Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 48 (20.016) • 1988 йил 27 февраль, шанба • Баҳоси 3 тийин.

Халқ хўжалиги раҳбар ходимлари ҳамда мутахассисларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш системасини қайта қуриш тўғрисида

Илгари хабар қилинганидек, КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети «Халқ хўжалиги раҳбар ходимлари ҳамда мутахассисларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш системасини қайта қуриш тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети шуни қайд этадилар-ки, партия XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь ва июнь Пленумлари ишлаб чиққан қайта қуриш, мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш йўлини амалга ошириш халқ хўжалигининг раҳбар ходимлари ва мутахассисларидан юксак даражадаги билимдонликни, ижодий ташаббускорликни, замонавий иқтисодий тафаккурни, хўжалик юритишнинг янгича усулларини, тўла хўжалиқ ҳисоби ҳамда жамият турмушининг барча соҳаларини демократиялаш шароитида ишлаш кўникмаларини эгаллаб олишларини тақозо этади.

(Давоми иккинчи бетда).

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси 25 февраль куни бўлиб ўтган мажлисида ҳукуматнинг енгил саноатни техника билан қайта жиҳозлашга доир таклифларини кўриб чиқди. Шу масалани муҳокама қилиш чоғида енгил саноатни ривожлантиришга кейинги вақтларда каттагина эътибор берилаётган бўлса-да, аммо тармоқда энг муҳим буюмларни ишлаб чиқариш секинлик билан кўпайиб бораётганлиги таъкидланди. Маҳсулот турлари сust янгиланмоқда, унинг сифати етарли суръатлар билан оширилмаяпти. Енгил саноатнинг ишлаб чиқариш ва илмий базаси техникавий жиҳатдан орқада қолганлиги вужудга келган аҳволга кўп даражада сабаб бўлмоқда. Тармоқда эскириб қолган кўплаб технология машина-ускуналари ишлатилмоқда, ходимларнинг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитларини яхшилаш масалалари секинлик билан ҳал қилинмоқда.

Сиёсий бюро енгил саноатда фан-техника тараққиётини жадаллаштириш борасида СССР Министрлар Совети тақдим этган программамани маъқуллади. 1988—1995 йилларда ишлаб чиқаришни тубдан қайта жиҳозлаш, замонавий техника ва технологиядан кенг кўламда фойдаланиш асосида товарлар ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш кўзда тутилмоқда. Болалар, ёшлар ҳамда катта ёшдаги кишилар учун буюмлар, одамларнинг спорт билан шуғулланиши ва актив дам олиши учун кийим-кечак ва пойабзаллар, харидоргир бўлган янги, модали товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга алоҳида эътибор берилди.

СССР Энергетика программасини бажариш, электр энергетикани ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди. Ҳозирги шароитда халқ хўжалигини ёқилғи ва энергия билан пухта таъминлаш ҳамда аҳолининг уларга бўлган талаб-эҳтиёжларини қондириш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, қайта қуриш вазифаларини амалда рўёбга чиқаришнинг, актив социал сиёсатни амалга оширишнинг ғоят муҳим шарти эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Шу билан бирга, СССР Энергетика программасида кўзда тутилган бир қанча муҳим топшириқлар қониқарсиз бажарилаётгани қайд этилди. Экономикани интенсивлаш, меҳнат унумдорлигини ўстириш негизи бўлмиш электр энергетиканинг жиддий равишда орқада қолаётганлиги катта ташвиш туғдирмоқда. СССР Оғир машинасозлик министрлиги ғоят тежамли машина-ускуналар ва приборларни талаб этилаётган ҳажмларда ишлаб чиқаришни таъминламаяпти, бу эса энергияни тежаш, электр станцияларни техника билан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш сиёсатини амалга ошириш суръатларини пасайтирмоқда.

Ёқилғи-энергетика тармоқлари ва машинасозлик комплексларининг раҳбарларига СССР Энергетика программасини сўзсиз бажариш учун ишлаб чиқариш қувватларини ўстиришни кўпайтириш ҳамда улардан яхшироқ фойдаланиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўриш таклиф этилди. Ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш режимини кучайтиришга, энергетика машинасозлиги потенциалини оширишга алоҳида эътибор берилиши керак.

Сиёсий бюро М. С. Горбачев билан Н. И. Рижковнинг АҚШ давлат секретари Ж. Шульц Москвага қилган визити вақтида у билан ўтказган суҳбатларининг, Э. А. Шеварднадзе олиб борган музокараларнинг якунларини муҳокама қилиб маъқуллади. Юксак даражадаги бир қанча Совет — Америка сиёсий мулоқотлари Вашингтонда эришилган аҳдномаларни рўёбга чиқариш учун, Москвада олий даражада ўтказиладиган янги учрашувга оид масалаларни пухта ишлаб чиқиш ҳамда унинг ҳужжатларини тайёрлаш юзасидан биргаликдаги фаолиятни авж олдириш учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

СССР ва АҚШ раҳбарларининг бўлажак учрашувида ракетадан мудофаа воситаларини чеклаш тўғрисидаги Шартномага у 1972 йилда қандай ҳолда имзоланган бўлса, шундай ҳолда риоя этиш шароитида стратегик ҳужум қуролларини 50 процент камайтириш тўғрисида Шартнома тузилиши ядровий қуролларни реал равишда қисқартириш, барча учун хавфсизликни мустаҳкамлаш соҳасидаги жуда катта тадбир бўлур эди.

Музокаралар чоғида олға сурилган совет ташаббуслари қуролсизланиш, маҳаллий можароли вазиятларни бартараф этиш, Совет — Америка муносабатларини ва умуман жаҳондаги вазиятни яхшилаш борасидаги кўпгина муаммоларнинг тугунларини ўзаро мақбул равишда ечиш йўлларини излаб топишга янги омил бахш этишга қаратилгандир. Совет раҳбарияти ана шу муаммоларни бундан буён ҳам осойишта, жиддий руҳда ҳал қилишга тайёрдир, бу эса бутун халқаро вазиятнинг тинч ривожланиши учун Совет Иттифоқи билан Қўшма Штатларнинг масъулиятни англашидан далолат беради.

Э. А. Шеварднадзенинг Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар ташқи ишлар министрларининг Прагада бўлиб ўтган учрашуви якунлари тўғрисидаги ахбороти тингланди. Сиёсий бюро учрашув чоғида иттифоқчилар СССРнинг АҚШ билан муносабатларида улар билан келишиб олинган амалий ва изчил йўлини якдиллик билан қўллаб-қувватлаётганликлари намойиш қилингайини мамнуният билан таъкидлаб ўтди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида Коммунистик партия билан Совет давлати иқтисодий ва социал сиёсатининг бошқа баъзи масалалари ҳам кўриб чиқилди.

• ГАЗЕТХОН СЎЗ СЎРАЙДИ

ЕТИЛГАН МАСАЛАЛАР ҲАҚИДА ЎЙЛАР

ЭНГ МУҲИМИ—СИФАТ

Хўжалик юритишнинг янги системасига ўтганимиз туфайли юбилей йилида салмоқли натижаларни қўлга киритдик. Хўжалик ҳисоби ишчиларнинг юқори сифат ва суръатни таъминлашлари учун иқтисодий омилларни вужудга келтирди. Жумладан, эндиликда ишчи планни бажарганлиги учун маошининг 15 процентги миқдорида қўшимча ҳақ олса, топшириқни ошириб бажаргани учун яна 10 процент ва юқори сифатни таъминлаганлиги учун яна 15 процент устама ҳақ олади.

Моддий рағбатлантиришнинг янги механизми нақадар таъсир кучига эга эканлигини яқинда бўлиб ўтган воқеа мисолида тушунтириб беришим мумкин. Цехимизнинг Сабоҳат Ҳотамова мастерлик қилаётган бригадаси аъзолари кейинги ойларда самарали меҳнат қилиб, бу мукофотларнинг барча турларини мунтазам олиб туришди. Аммо яқинда бригада ишлаб чиқарган маҳсулотнинг озгина миқдори улгуржи савдо базаси томонидан қайтарилди. Бунинг учун корхонага 24 сўм жарима солинди.

Бир қарашда буни арзимас нарса, деб баҳолаш мумкин. Лекин солинган жарима туфайли бутун бригада бир ой мобайнида ўн беш процентлик устама ҳақдан маҳрум бўлганини ҳисобга олсак, бу воқеа оддийгина эмаслиги маълум бўлади. 24 сўмлик жарима пировардида йигирма беш ишчи қарийб минг сўмлик мукофотдан қуруқ қолганини билдиради.

Рекламация олинишининг сабаблари бригада советининг йиғилишида жиддий муҳокама қилинди. Сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариб, бутун коллективга моддий зарар етказган ишчи учун бу йиғилиш аччиқ сабоқ бўлди. Бригаданинг ҳар бир ишчиси қилиниши маош унинг иш сифатига бевосита алоқадор эканлигига амалда ишонч ҳосил қилди.

Мавжуд асбоб-ускуналардан унумли фойдаланиш ҳам корхона рентабеллигининг бош омилларидан биридир. Цехимиздаги асбоб-ускуналар эса якшанба кунлари бекор туриб қолар эди. Дастгоҳлар сменалик коэффициентини қандай қилиб ошириш мумкин? Корхонамиз бош инженери Х. Уроқов билан бирга бу тўғрида анча бош қотиришга тўғри келди. Пировардида сменаларнинг икки бригадалик системасидан уч бригадалик системасига кўчишга қарор қилинди. Биринчидан, бу, ускуналар тўхтовсиз ишлашини таъминласа, иккинчидан, икки дам олиш кунига эга бўлган иш ҳафтасига кўчишга имкон берарди. Шу мақсадда цехга эллик нафарга яқин янги ишчи қабул қилинди. Ёшлар ҳисобига иккита бригада ташкил қилиниб, Н. Мўминова, М. Олимова, Р. Муродова, С. Ашурова каби мураббийларимиз уларга биркитиб қўйилди. Умуман, цехда уч бригадалик сменага ўтилиши иш унумдорлигини деярли бир ярим баравага оширди.

Албатта, цех кенгайтирилган иш режимига кўчиши социал-маиший шароитлардаги нуқсонларни, айниқса, яққол намоён қилди. Икки юздан зиёд ишчи меҳнат қиладиган цехимизда дам олиш, овқатланиш хоналари йўқ. Ҳатто тикувчиларимизнинг устки кийим-бошини саранжомлаб қўйиш учун шкафларни қўйишга ҳам цехда жой етишмайди. Бу эса интенсив меҳнат шароитида катта ноқулайликлар туғдирмоқда.

Цехимиз ишчилари фабрика реконструкциясига умид боғлашмоқда. Уни тезлаштириш лозим. Зеро, яхши социал-маиший шароитлар яратмай туриб самарадорликнинг барча резервларини ишга солиш, чинакам жадаллаштиришга эришиб бўлмайди.

Ҳ. ШОДИЕВА,
Тельман номли Бухоро трикотаж фабрикаси 1-тикувчилик цехининг бошлиғи.

КЎП НАРСА ШАРОИТГА БОҒЛИҚ

Партиямиз инсон омилини тўлароқ рўёбга чиқариш учун кишиларга яхши яшаш ва меҳнат шароити яратиб беришга эътиборни кучайтирмоқда. Бизда бу борада қилиниши керак бўлган ишлар кўп. Айниқса, автотранспортчиларни уй-жой билан таъминлаш жуда секинлик билан бормоқда. Ходимларга уй-жой бериш секинлик билан бораётганидан ташқари уларга якка тартибда уй-жой қуриб олишларига ҳам яқиндан ёрдам кўрсатилмаётир. Участкалар ажратиб бериш, қурилиш материаллари савдосини яхшилаш айни пайтдаги долзарб вазифалардир.

Яна бир муҳим масала хусусида тўхталмоқчиман. Жойларда бошқарувнинг прогрессив усулларига ўтилмоқда. Бу — қайта қуришнинг муҳим талабларидандир. Автотранспорт корхонасида бошқаришни қайта қуриш учун муаммолар анчагина. Енилғи ва эҳтиёт қисмлар тақчиллиги, айниқса сезилиб қолмоқда. Шу нарсалар етарли бўлмас экан, ишни олға силжитиш мушкуллигича қолаверади. Шундай экан, бундай муаммоларни ишчанлик билан ҳал этишга тўғри келади.

А. БОБОЕВ,
Гулистон шаҳридаги 30-автотранспорт корхонаси ҳайдовчиси.

БИЗГА ҲАМ, ДАВЛАТГА ҲАМ

Халқимизда «Молсиз ҳовлида файз-барака бўлмайди» деган нақл бор. Моллар ва паррандаларни ўстириш, боқиш ва аҳолини чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашга шаҳар атрофида жойлашган хонадонлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Масалан, Тошкент шаҳри жанубида жойлашган бизнинг Нўғойқўрғон маҳалламизда 900 дан ортиқ хонадон бор. Улар орасида Улуғ Ватан уруши ветеранлари, пенсионерлар, уй бекалари ҳам кўп. Бу хонадонларнинг қарийб ярмида ҳар хил чорва моллари боқилиб, йилига кўп миқдорда сут соғиб олинади. 27—30 тонна гўшт етиштирилади ва аҳолига ёки кооперативга сотилади. Шаҳар атрофидаги бошқа маҳаллаларда ҳам кўплаб маҳсулотлар етиштирилмоқда.

Лекин ҳозирги пайтда бу маҳсулотларни етиштириш аҳолига қимматга тушмоқда. Яъни, томорқада етиштирилган хашак билан мол ўстириш ва семиртириш қийин. Шунинг учун керакли озуқани уч-тўрт баравар қимматига бозордан харид қилишга мажбурмиз. Моллар учун озуқа онда-сонда магазинларда сотилади, деб эшитамиз-у ўзини кўрмаймиз.

Агар пенсионерлар, уй бекалари илтимослари инобатга олиниб, шаҳар атрофидаги шахсий хонадонларда мол боқиш тартиби қайта кўрилиб, кунжара, шелуха ва бошқа озуқалар билан савдо қиладиган магазин очилса, юқорида тилга олинган кўрсаткичлар бирмунча ошарди. Бу эса бизга ҳам, давлатимизга ҳам фойда бўлиб, пенсионер ва уй бекаларининг бўш вақтидан унумли фойдаланиларди.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986-1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларида гражданларга пичанзорлар ва яйловлар ажратиб бериш, озуқа, уруғлик, ёш моллар ва паррандалар сотиш йўли билан уларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларига мадад берилиши кераклиги таъкидланган. Бизга фақат озуқадан ёрдам берилса бас, бошқасини ўзимиз эпламиз.

Агросаноат давлат комитети бу масалага ижобий ёндашиб, илтимосимизни қондирса, биз ҳам оила имкониятини қайта кўриб чиқиб, бекорчи вақтимиздан унумли фойдаланган бўлардик.

Маҳалла аҳли номидан
Р. РУЗМЕТОВ,
(жами 30 имзо).

ЯХШИ УРУҒЛИК БЎЛМАГАЧ...

Колхозимиз аъзолари ўн иккинчи беш йиллиқнинг иккинчи йилида 1970 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 27 центнердан ҳосил кўтариб, пахта тайёрлаш планини ортиғи билан бажардилар. Давлатга пландан ташқари 500 тонна пахта сотилди. Қатор бригадаларда 27,5-28 центнердан ошириб ҳосил олинди.

Лекин колхозимизда ҳосилдорликни анча кўпайтириш учун реал имкониятлар бор. Бунга сифатли уруғлик чигитнинг етишмаслиги сабаб бўляпти.

Мен 1964 йилдан бери бригада бошлиғи бўлиб ишлаяпман. Кейинги йилларда пахтачиликда сифатли, ҳосилдорлиги юқори уруғлик чигит жуда камайиб кетди. Шунинг учун кўкламда тўғри келган чигитни экяпмиз. Баъзан унинг қайси нав эканлигини ҳам билмаймиз. Кўпинча С — 4727, «Тошкент —1», «Чимбой» ва бошқа навлар аралашиб кетган уруғлик келтирилаётир. Уни деҳқонлар у ёқда турсин, ҳатто агрономларимиз ҳам қайси нав эканлигини ажрата олишмаяпти. «Эртапишар» нав чигити, деб берилган уруғликни экамиз-у, лекин ҳосил мўлжалдаги вақтда пишиб етилмайди. Натижада йиғим-терим чўзилиб кетади.

Ўтган йили 80 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25 центнер ўрнига 25,8 центнердан ҳосил кўтариб, пахта тайёрлаш планини 103 процентдан ошириб бажардик. Шуниси ачинарлики, топширилган пахтамизнинг бир грамми ҳам биринчи сортга сотилмади. Иккинчи сортга 101 тонна, учинчи сортга 29 тонна, тўртинчи сортга 77 тонна пахта сотилди. Биз билан қўшни Т. Абдуллаев, П. Дурдиметов бошлиқ ва бошқа бригадаларда ҳам шундай аҳвол юз берди. Биринчи сортга пахта сотилмаганлиги учун даромадимиз яхши бўлмади.

Уруғлик масаласини ижобий ҳал қилишда колхоз ва совхозларга бирон-бир ташкилот ёрдам бермаяпти. Район агросаноат бирлашмаси эса аҳволни ўнглаш учун ҳаракат қилиш ўрнига кузатувчи бўлиб туришни афзал кўрмоқда. Аммо республикамизда янги ғўза навлари яратиш билан шуғулланадиган илмий-тадқиқот институтлари, уларнинг жойлардаги филиаллари бу борада ҳануз кўзга кўринарли иш қилишмаётир.

Беш йилликнинг учинчи йилида 85 гектар майдонга чигит экиб, гектаридан 30 центнердан ҳосил кўтаришга қарор қилганмиз. Ерларимизни кўкламга тайёрлаб қўйдик. Ҳар гектар майдонга камида 25-30 тоннадан маҳаллий ўғит солдик. Бироқ бизни яна эски муаммо ташвишга соляпти. Агар бу йил ҳам нави номаълум, паст сифатли чигитни эксак, келажакда пахтамизнинг тақдири нима бўлади? Бу масалани Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети раҳбарлари ҳал қилиб беришар, деган умиддамиз.

Қ. ИСМОИЛОВ,
Хўжайли районидаги Ленин номли колхоз бригада бошлиғи.

МУСОБАҚА ҒОЛИБИГА БАЙРОҚ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети Иваново, Владимир, Новгород, Тюмень областларига оталиқ ёрдами бераётган қурилиш ташкилотлари коллективларининг 1987 йил IV кварталидаги социалистик мусобақаси якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети «Узвладимирводстрой» трестининг Фарғона механизациялашган махсус кўчма колоннаси коллективи 1987 йил IV кварталининг якунлари бўйича социалистик мусобақа ғолиби деб топилди ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ҳамда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди.

Тошкент шаҳар Советининг сессияси

26 февраль куни Тошкент шаҳар Советининг сессияси бўлди. Халқ депутатлари шаҳар Советининг 2000 йилгача бўлган даврда комплекс уй-жой программасини амалга ошириш соҳасидаги вазифалари муҳокама қилинди.

Тошкент шаҳар Советининг илгариги сессияларида депутатлар айтган илтимослар, таклифлар ва танқидий фикр-мулоҳазалар қандай бажарилаётгани тўғрисидаги ахборот ҳам тингланди.

Сессияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари В. Н. Лобко қатнашди.

(ЎзТАГ).

ТАШКИЛОТ КОМИТЕТИНИНГ МАЖЛИСИ

26 февраль куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова раислигида Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг шу йил май ойининг охирида Ўзбекистон пойтахтида ўтказиладиган Х халқаро кинофестивали ташкилот комитетининг мажлиси бўлди. Кинофестиваль бош дирекциясининг ана шу кино анжуманига тайёргарлигининг бориши тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Министрлик ва идоралар, оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари ҳам ахборот бердилар.

(ЎзТАГ).

Ж. МЭТЛОКНИНГ ТОШКЕНТДА БЎЛИШИ

«АҚШ ҳаётида информатика» кўргазмасини очиш маросимида иштирок этиш учун Тошкентга келган АҚШнинг СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ж. Мэтлок 26 февраль куни Ўзбекистон пойтахти билан танишишни давом эттирди.

«Правда Востока» газетаси редакциясида Ж. Мэтлок билан республика оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари ўртасида суҳбат бўлиб ўтди. Улар америкалик меҳмонга Ўзбекистон матбуоти совет жамияти ҳаётининг ҳамма соҳаларини қайта қуришнинг масъулиятли даврида қандай вазифаларни бажараётгани, журналистлар ошкоралик ва демократиялаш принципларини амалга ошираётганликлари ҳақида сўзлаб бердилар.

Элчи Тошкентда бўлиши тассуротлари билан ўртоқлашди. Ж. Мэтлок ядро қуролларини қисқартириш тўғрисида аҳдномага эришиш натижасида Совет Иттифоқи ва Қўшма Штатларнинг ўзаро муносабатларида кўзга ташланган яхшиланиш дунёдаги ишларнинг аҳволида ғоят қулай тарзда акс этишини таъкидлади. У биродарлашган Тошкент ва Сиэтл шаҳарлари жамоатчилигининг Совет ва Америка халқлари ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга қаратилган куч-ғайратларини табриклади. Элчи тинчликни, ишончни мустаҳкамлаш — фақат давлат раҳбарларининг иши бўлиб қолмай, шу билан бирга ҳар бир гражданнинг ҳам иши эканлигини таъкидлади.

Ж. Мэтлокнинг журналистлар билан учрашувида АҚШ Ахборот Агентлиги (ЮСИА) директорининг ўринбосари Ч. Хорнер ҳозир бўлди.

Шу куни АҚШнинг СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ж. Мэтлок ва унинг рафиқаси шарафига Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. Қ. Курбонов номидан нонушта-зиёфат берилди.

АҚШнинг СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ж. Мэтлок Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния бошқармасида бўлди.

Шу куни кечқурун Ж. Мэтлок СССР Чет эл туризми давлат комитети Тошкент бўлимининг маданият-ахборот марказида фольклор концертини томоша қилди.

(ЎзТАГ).

• Кўклам яқин, шаймисиз?

ВАҚТ КУТИБ ТУРМАЙДИ

Риштон райони пахтакорлари ўтган йили эл-юрт олдида берган ваъдаларини бажармаган эдилар. Давлатга пахта сотиш плани 85,7 процентда қолиб кетди. Ҳар гектар ердан пландаги 27 ўрнига атиги 23 центнердан пахта ҳосили олинди. Хўш, районда ўтган йилги доғни ювиш учун астойдил ҳаракат қилияптими? 1988 йил ҳосилига пухта замин тайёрлаш учун барча чора-тадбирлар кўриляптими? Афсуски, дала ишлари ва техника ремонтининг ҳозирги аҳволи бу саволга ижобий жавоб беришга имкон бермайди.

Район бўйича ҳозирги пайтда анчагина ер шудгор қилинмаган. Ҳали ғўзапояси йиғиштириб олинмаган майдонлар ҳам кўп. Ариқ-зовурларни тозалаш, далаларга маҳаллий ўғит чиқариш, колхозчи ва совхоз ишчиларини дала ишларига тўла сафарбар этиш яхши ташкил этилмаган. Техникани баҳорги экиш мавсумига шайлаб қўйиш ҳам кўнгилдагидек эмас.

«Риштон» совхозида 45 та ҳайдов тракторидан 40 таси ремонтдан чиқарилиб, старт чизиғига келтириб қўйилган. Лекин ремонтдан чиқарилган тракторларни синчиклаб кўздан кечирганимизда уларда ҳали бир талай камчиликлар борлиги аён бўлди. Механизатор Рустам Ҳаитов ремонтдан чиқарган Т-4 тракторининг ғиритчи фаралари йўқ, кабина ойналари синиб ётибди. 10 та тракторда эса ёнилғи насослари етишмайди.

Бизга «ҳозироқ далага чиқишга шай» дея ғурур билан кўрсатишган тракторларнинг аксариятида турли хил нуқсонлар бор. Ҳаракат узатиш қутисидан мой оқади. Гидросистема трубкалари яхши қотирилмаган. Хуллас, бу ерда техника ремонти қўл учида, хўжакўрсинга ўтказилгани сезилиб турибди. Ўғит сепиш қурилмасини занг босиб ётибди. Тракторлар очиқ ҳавода, қор-ёмғир остида сақланади. Устахона ҳовлиси лой, ифлос. Ремонтчилар учун маданий-маиший шароитлар яратилмаган.

А. Навоий номли совхознинг ремонт устахонасида ҳам ана шундай нохуш аҳволга дуч келдик. Плугларнинг ғилдираклари яроқсиз. Эҳтиёт қисмлар етарли эмас. 1986 йили қурилиши бошланган марказий ремонт устахонасининг томи ёпилмаган. Техника воситаларининг ҳаммаси очиқ ҳавода. Ишчилар совуқ биноларда ишлаяптилар. Бундай аҳволда ишда на сифат ва на унум бўлади. Шу сабабли созлаб қўйилган сеялкаларда камчиликлар кўп. Уруғ қутилари яхши ўрнатилмаганлигидан лиқиллаб турибди. Устахона территорияси-да турли хил темир-терсаклар сочилиб ётибди. Устахонанинг атрофи яхши ўралмаган. Ишчилар эҳтиёт қисмларнинг тез-тез йўқолиб қолаётганлигидан шикоят қилишди.

«ЎзССР 50 йиллиги» совхози устахонасида трактор ва культиваторлар ремонти чўзилиб кетган. Айрим эҳтиёт қисмлар етишмаслиги туфайли ёнилғи насослари ремонтига қўл урилмаган. Бу ерда ҳам техника ремонти ишларини намунали олиб бориш учун етарли шароитлар йўқ. Устахона территорияси тизза бўйи лой. Ремонтдан чиққан тракторларни ювадиган жойнинг ўзи аллақачон ботқоққа айланиб улгурган. Трактор ва механизмларни сақлаш ва ремонт қилиш учун қурилган шийпон чала. Т-28 тракторларидан 29 тасининг ремонти тугалланмаган.

«Коммунизм», Куйбишев номли колхозларда ҳам ишлар мақтагудек эмас. «Коммунизм» колхозида машина-трактор парки қурилиши тугалланмаган. Совуқ ҳавода ишлаётган ишчиларнинг ҳафсаласи ҳам шунга яраша. Чизель, бороналар қисмларини мойлаш ҳеч кимнинг ёдига келмаяпти. Айрим ҳайдов тракторларига ёритиш фаралари ўрнатилмаган.

Куйбишев номли колхозда қизиқ манзарага дуч келдик. Узун шийпон тагига 33 та сеялка қатор териб қўйилган.

— Сеялкалар ноябрь ойидаёқ ремонтдан чиқарилган, — дея изоҳ берди колхоз бош инженери Ш. Ҳафизов. — Дарҳақиқат, биринчи ва иккинчи қатордаги сеялкалар янгидек ялтираб турибди. Кўздан панароқ қаторлардаги сеялкалар мойланмаган. Ремонт сифати ҳам талаб даражасида эмас.

Район хўжаликларида техника ремонтини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш учун зарур моддий-техника базаси яратилмаган. «Риштон» совхозидан ташқари бironта ҳам хўжалик ўз устахонасида техника воситаларини капитал ремонт қилиш имконига эга эмас. Оқибатда машина-механизмларни Риштон шаҳри, ҳатто Марғилондаги ремонт-ишлаб чиқариш корхоналарига олиб боришга мажбур бўляптилар.

— Колхозимизда тракторлар мотори ремонтини кўнгилдагидек бажаришга қодир бўлган мутахассислар, малакали ишчилар етарли, — дейди Куйбишев номли колхоз марказий ремонт устахонаси мудири С. Раҳимов. — Бироқ капитал ремонт учун зарур асбоб-ускуналар етишмайди. Оқибатда уларни катта маблағ эвазига ремонт-ишлаб чиқариш корхоналарига юборишга мажбурмиз. Масалан, бу йил 6 та тракторни Риштон ремонт-ишлаб чиқариш корхонасига топширганмиз. Уларнинг ремонти учун 4—5 минг сўм пул тўлаймиз. Бунинг устига эҳтиёт қисмлар етишмайди. Бу йил РАПОнинг таъминот бўлимидан 56 та гильза сўраган эдик, 8 дона олдик, холос. Ҳозир омборимизда битта ҳам гильза, поршен йўқ. Агар баҳорда бирорта трактор бузилгудек бўлса иш тўхтаб қолиши турган гап.

Умуман, районда ҳали қиш узоққа чўзилади, деган хом хаёл айрим хўжалик раҳбарларига хотиржамлик бахш этяпти. Вақт кутиб турмайди. Ҳадемай, экиш ишлари бошланиб кетади. Уни қулай агротехника муддатларида ўтказиш учун техниканинг сифатли созланишини ёддан чиқармаслик лозим.

А. ИБОДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

А. ТУРСУНАЛИЕВ,
«Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири.

Бугун Тошкентда В. И. Ленин номли Совет болалар фонди республика бўлимининг таъсис конференцияси очилади

Халқ хўжалиги раҳбар ходимлари ҳамда мутахассисларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш системасини қайта қуриш тўғрисида

(Давоми. Бошн биринчи бетда).

Фан-техника революцияси, экономикани бошқаришни тубдан қайта қуриш давомида меҳнаткашларни узлуксиз ўқитиб-ўргатиш бирлашмалар, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, ҳар бир меҳнат коллективи самарали фаолиятини таъминлашнинг энг муҳим омилларидан бири бўлиб қолмоқда.

Шу билан бир вақтда, деб таъкидланади қарорда, мамлакатда, бу ишнинг аҳволи, раҳбар ходимлар ҳамда мутахассисларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш системасидаги мавжуд ўқув юртлари (бўлинмалари) тармоғи ўз кўламлари жиҳатидан ҳам, таълим бериш сифати жиҳатидан ҳам халқ хўжалигининг ходимлар профессионал билимларини оператив равишда янгилаш борасидаги ошиб кетган талабларини қондирмаяпти.

Мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш, экономикани бошқаришни тубдан ислоҳ қилиш, замонавий кадрлар сиёсатини турмушга жорий этиш соҳасидаги вазифаларни ҳал қилиш учун халқ хўжалиги кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш системасини тубдан қайта қуриш зарурлиги қайд этиб ўтилади.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия комитетлари, СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, СССР министрликлари ва идоралари, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари зиммасига раҳбар ходимлар ва мутахассисларнинг малакасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш ягона давлат системасини янги асосда вужудга келтириш юзасидан конкрет тадбирларни кўриш — ўн иккинчи беш йилликда кадрларни вақти-вақти билан ўқитишдан муттасил ўқитишга ўтиш мажбуриятини юкладилар. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш ўқув юртлари ҳамда бўлинмаларининг харакатчан ва эпчил тармоғини вужудга келтириш, бевосита корхоналар ва ташкилотларда узлуксиз ишлаб чиқариш-иқтисодий таълимнинг турли формаларини ривожлантириш вазифаси қўйилди. Шу мақсадда олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг потенциалидан тўла-тўкис фойдаланиш лозим бўлади.

Министрликлар ва идораларнинг, бирлашмалар, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, совхозлар ва колхозларнинг раҳбарлари зиммасига ходимлар малакасини муттасил ошириб боришни ташкил этиш, уларнинг юксак профессионал савиясини сақлаб туриш, уларни ишлаб чиқариш соҳасида ҳам, ноишлаб чиқариш соҳаларида ҳам меҳнат қилишнинг янги вазифаларга ўз вақтида тайёрлаш учун шахсий жавобгарлик юкланди.

Малакани муттасил ошириб бориш ҳар бир раҳбар ва мутахассиснинг бевосита хизмат бурчи деб топилди.

Министрликлар ва идораларнинг, корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар ва муассасаларнинг раҳбарларига партия ва касаба союз ташкилотлари билан биргаликда кадрлар малакасини узлуксиз ошириб боришни, уларнинг профессионал маҳоратини ўстиришни моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг таъсирчан системасини вужудга келтириш, билимларни доимо тўлдириш ва янгилаб бориш учун ходимларнинг шахсий манфаатдорлиги ҳамда шахсий масъулиятини ошириш тавсия этилди. Раҳбарлар ва мутахассисларнинг лавозимларга кўтарилишини, уларга тегишли миқдорда иш ҳақи белгиланишини ўқиш натижаларига, ҳосил қилинган билимлардан амалда фойдаланилишига боғлиқ қилиб қўйиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш системаси ўқув юртларига тингловчиларни ўқитиш якунларига қараб, уларнинг профессионал билимлари ва ишчанлик фазилатларига комплекс баҳо бериш ва шу асосда ходимлардан бундан буён фойдаланиш юзасидан тавсияномалар ишлаб чиқиш топширилди. Тегишли ахборотлар раҳбар ходимлар билан мутахассисларни ўқишга юборган министрликлар, идораларнинг, корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар ва муассасаларнинг раҳбарларига юбориб турилсин.

Профессионал билимдонликни ўстиришни ходимларни аттестациядан ўтказиш чоғида энг муҳим мезон деб билиш таклиф қилинди. Шу нарса белгилаб қўйилдики, ходимларнинг қадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш системаси ўқув юртларида (бўлинмаларида) таълим олганлиги тўғрисида маълумотлар уларнинг бутун меҳнат фаолияти мобайнида ягона нусхадаги малака аттестатида акс эттирилади, бу аттестат ходимнинг профессионал даражасини тасдиқлаб кўрсатувчи асосий ҳужжат ҳисобланади.

Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонунига мувофиқ, меҳнат коллективларига кадрлар профессионал маҳоратини муттасил ошириб бориш тўғрисида талабчанлик ва доимий ғамхўрлик қилиш, раҳбар лавозимларга сайловда ходимлар тайёргарлик даражасини тўлароқ назарда тутиш тавсия этилди. Ҳамма ерда энг малакали меҳнаткашларга чуқур ҳурмат ва обрў-эътибор билан қараш вазиятини яратиш, профессионал ўқиш, янги билим ва малакаларни актив орттириб бориш, илғор ишлаб чиқариш тажрибаларини эгаллаш нуфузи қарор топтирилмоғи лозим. Меҳнат коллективларида ходимларнинг меҳнат сифатини оширишда олган билимлари ва малакаларидан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботлари тинглаб борилсин.

Қарорда кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш системасида унинг узлуксизлигини таъминловчи қуйидаги асосий ўқитиш турлари белгилаб берилган:

якка тартибдаги план бўйича ходимнинг системали равишда мустақил ўқиши, бундай ўқиш планини унинг бевосита раҳбари тасдиқлаб беради ва бу план шу раҳбар назорати остида бажарилади;

иш жойида, шунингдек бошқа корхоналар ва ташкилотларда ишлаб чиқариш масалалари ва иқтисодий масалалари юзасидан доимо ишлайдиган семинарларда ҳар ойда камида бир марта қатнашиш;

иш жойида ёки кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш системасининг ўқув юртлари (бўлинмалари)да қисқа муддатли ўқитиш (ўқиш заруратига қараб, лекин йилига камида бир марта бўлади);

кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш системасининг ўқув юртлари (бўлинмалари)да ҳар беш йилда камида бир марта узоқ муддатли ўқитиш;

илғор корхоналарда, етакчи илмий ташкилотларда, олий ўқув юртларида, шу жумладан чет элларда стажировка ўтиш;

шу ташкилот ёки корхоналарни қизиқтирувчи мавзулар бўйича тармоқ аспирантураси, докторантурасида ўқитиш;

академияларда, малака ошириш институтларида, олий мактабларнинг махсус факультетлари ва ўрта махсус ўқув юртларининг бўлимларида қайта тайёрлаш— янги касб ўрганиш белгиланган.

СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига, СССР министрликлари ва идораларига, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш системаси ўқув юртлари (бўлинмалари)нинг раҳбарлари ва партия ташкилотларига ўқиш жараёнини қайта тузиш, унинг мазмунини партия XXVII съездининг, КПСС Марказий Комитети 1987 йил январь ва июнь Пленумларининг талабларига мувофиқлаштириш топширилди. Раҳбар ходимлар ва мутахассисларни ўқитишга уларнинг назарий ва амалий тайёрғарликка бўлган реал эҳтиёжларини қондириш манфаатларини кўзлаб табақалаштирилган ҳолда ёндашув таъминлансин.

Тингловчилар хўжалик юритишнинг энг янги методларини актив равишда эгаллашларини, улар халқ хўжалигини бошқаришни қайта қуриш, тармоқларнинг хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи пул билан таъминлаш шароитларига ўтиши, Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисида СССР Қонунини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни чуқур ўрганишларини таъминлаш вазифаси қўйилди. Раҳбар ходимларда ижтимоий ҳаёт ҳамма соҳаларини демократиялаш шароитида меҳнат коллективини бошқариш малакалари ҳосил қилинсин. Системали анализ, техника системаси, социология, психология, ҳуқуқ, пул билан таъминлаш, кооперация, ташқи иқтисодий алоқалар ва мутахассислар билан раҳбарлар учун жуда муҳим бошқа масалалар соҳасида тайёргарлик анча кенгайтирилсин.

Профессионал соҳада ўқитиш раҳбар ходимлар ва мутахассислар фан ва техниканинг тегишли тармоқларидаги, технология ва меҳнатни ташкил этишдаги энг янги ютуқлар билан, ватанимиз ва чет эллардаги илғор тажрибалар, табиатдан оқилона ва комплекс ҳолда фойдаланиш, меҳнат ресурслари ва моддий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш малакаларини жадал эгаллаб олишларига қаратилмоғи лозим. Ҳар бир мутахассис ишда электрон-ҳисоблаш техникасидан актив равишда фойдаланмоғи, замонавий фан-техника ахборотини тушуниб етмоғи, амалий вазифаларни ҳал этишда ундан самарали фойдалана билмоғи лозим.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг бутун ишини мамлакат ва регионларни, халқ хўжалиги тармоқларини, бирлашмалар, корхоналар, колхозлар ва совхозларни иқтисодий ва социал ривожлантириш планларини муваффақиятли бажаришга, фан-техника тараққиёти ва социал тараққиёт суръатларини жадаллаштиришга бўйсундириш лозим.

СССР Министрлар Советининг доимий органларига, СССР Давлат агросаноат комитетига, СССР Госстройига, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига, СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига, СССР министрликларига ва идораларига малака ошириш ва қайта тайёрлаш, ўқув юртларини аттестациядан ўтказиш асосида 1988—1989 йиллар давомида бу ўқув юртлари тармоғини тартибга солиш, уларни ташкил этишдаги тармоқ принципини кенг тармоқлараро ва регионал кооперациялаш билан қўшиб олиб бориш топширилди.

Бир қанча олий ўқув юртлари ҳузуридаги саноат ишлаб чиқариши, қурилиш ва планлаштириш ташкилотчиларини тайёрлаш факультетлари базасида раҳбар кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тармоқлараро институтларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари ҳузурида раҳбар ходимлар ва мутахассислар малакасини ошириш тармоқлараро институтлари барпо этиш ҳам кўзда тутилди.

Центросоюз, манфаатдор министрликлар ва идоралар кооперативлар раҳбарлари ва мутахассисларининг кенг қўламда ўқитилишини ташкил этишлари керак.

Қарор кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш системаси ўқув юртлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари раҳбарлари зиммасига мустақил равишда малака ошираётган кишилар учун консультациялар ўтказишни ташкил этиш мажбуриятини юклайди.

Ана шу ўқув юртлари ҳузурида муайян программа асосида билим олишни истовчи гражданлар учун хўжалик ҳисобидаги курслар ташкил этиш кўзда тутилди.

СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига тегишли министрликлар ва идоралар билан биргаликда малака ошириш ва қайта тайёрлаш ўқув юртларидаги (бўлинмаларидаги) ўқитиш ишлари савиясига, ўқитувчи кадрларнинг сифат составига, моддий базасининг ҳолатига комплекс баҳо бериш учун беш йилда бир марта уларни аттестациядан ўтказиш топширилди.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш системасида ўқитиш жараёни асосан ўриндошлик штатига киритиш ва соатбай асосида ҳақ тўлаш йўли билан жалб қилинадиган етакчи олимлар, йирик мутахассислар, партия, совет ва хўжалик раҳбарлари, энг янги техника ишланмаларини, технология жараёнларини яратувчилар, ишлаб чиқариш новаторлари кучи билан олиб борилади.

Қарор СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги зиммасига иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область ва шаҳар партия комитетлари билан биргаликда олий ўқув юртлари ижтимоий фанлар ўқитувчиларининг малакасини ошириш институтлари ишини тубдан яхшилаш чораларини кўриш вазифасини юклайди. Социал-иқтисодий фанларни ўқитишни қайта қуришни илмий-методик жиҳатдан таъминлашда ана шу институтларнинг роли жиддий равишда оширилсин.

Барча жамиятшунос ўқитувчиларнинг ишдан ажралган ва ишдан ажралмаган ҳолда партия, совет, хўжалик органларида, корхоналар ва муассасаларда ижтимоий-сиёсий стажировканинг ўтиши жорий этилади.

СССР министрликлари ва идораларига, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига халқаро илмий-техникавий алоқалар планларида раҳбар ходимлар ва мутахассисларни, шунингдек кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш системасидаги, олий ўқув юртларидаги ўқитувчиларни ишлаб чиқаришнинг устун даражада ривожлантирилаётган соҳаларидаги, бошқаришдаги, фан ва техникадаги илғор тажрибаларини ўрганиш учун чет мамлакатларнинг корхоналарига, фирмаларига, ташкилотлари ва ўқув юртларига командировкага юборишни кўзда тутиш таклиф этилди. Шу мақсадда бевосита ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий алоқаларни амалга ошираётган корхоналар ва ташкилотларнинг, бирлашган регионларнинг имкониятларидан кенг фойдаланилсин.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети раҳбар ходимлар ва мутахассислар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш системасидаги ўқув юртлари (бўлинмалари) масъулиятини кучайтириш мақсадида 1988 йилдан бошлаб уларни хўжалик ҳисоби шароитига ўтказишни амалга ошириш зарур деб топилди.

Раҳбар ходимлар ва мутахассислар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ўқув юртлари (бўлинмалари) министрликлар, идоралар, бирлашмалар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар билан тузадиган шартномага мувофиқ амалга оширилади. Бу бирлашмалар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар қайси идорага бўйсунишларидан қатъи назар, ўқишга юборилаётган ҳар бир ходим учун мазкур ўқув юртларига бевосита пул тўлайдилар.

2000 йилгача кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш системасининг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлашнинг аниқ программаси қабул қилинди.

СССР Ҳисоблаш техникаси ва информатика давлат комитетига йиллик планларда кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш билан шуғулланадиган ўқув юртларини жиҳозлаш учун тегишли министрликлар ва идоралар фонди ҳисобидан ана шу фондларнинг 5 процентача ҳажмида министрликлар ва идораларга аниқ мақсадни кўзлаб ҳисоблаш техникаси воситаларини ажратиш топширилди.

Ўқишга юборилган мутахассислар ва раҳбар ходимларнинг моддий шароитини ва яшаш шароитини яхшилаш кўзда тутилди.

Қарор иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия комитетлари, СССР министрликлари ва идоралари, иттифоқдош республикаларнинг министрликлари ва идоралари, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари зиммасига партия, касаба союз, совет ва хўжалик органларининг, меҳнат коллективларининг диққат-эътиборини халқ хўжалиги барча соҳалари ходимларининг узлуксиз таълим олишларини таъминлашга, бунинг учун зарур шарт-шароитни яратишга раҳбарлар жавобгарлигини оширишга қаратиш вазифасини юклайди.

* * *

Қарорда партия, совет, касаба союз ва хўжалик органлари, бирлашмалар, корхоналар, ташқилотлар ва муассасаларнинг коллективлари халқ хўжалиги раҳбар ходимлари ва мутахассислари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш системасини қайта қуришни муваффақиятли амалга оширадилар, хўжалик ва маданий қурилишда, КПСС XXVII съезди ўртага қўйган мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш программавий вазифаларини ҳал этишда юксак натижаларга эришадилар, деб КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қатъий ишонч билдирдилар.

Дунё воқеалари

МАТБУОТ ҚАЙТА ҚУРИШ ШАРОИТЛАРИДА

Матбуот, телевидение ва радио эндиликда қайта қуришнинг самарали қуролига, ошкоралик ва демократиянинг минбарига айланиб бормоқда. 25 февраль куни Москвада ўз ишини якунлаган «Оммавий ахборот воситалари ва социалистик демократиянинг ривожланиши» мавзуидаги халқаро илмий конференцияда ана шу фикр таъкидланди. КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академияси ва СССР Журналистлар союзи уюштирган бу анжуманда совет жамиятшунос олимлари, оммавий ахборот воситаларининг раҳбар ходимлари, Болгария, Венгрия, ГДР, Лаос, Польша, Руминия, Чехословакиядан келган олимлар ҳам иштирок этдилар.

Социалистик демократияни чуқурлаштириш, халқнинг сиёсий маданиятини ошириш манфаатлари ижтимоий ва давлат масалаларини муҳокама қилиш, жамоат назоратини кенгайтириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, социалистик қонунчиликка риоя қилиш учун, социалистик турмуш тарзининг социал принциплари ва ахлоқий нормаларининг бузилишига қарши курашни активлаштириш учун оммавий ахборот воситаларидан тўлароқ фойдаланишни талаб этаётганлиги нутқларда таъкидлаб ўтилди.

Оммавий ахборот воситалари бутун жамият миқёсида энг долзарб воқеа ва муаммоларни ёритишга чапдастлик билан киришишга қодир бўлган эркин, яхлит, омилкор ва ҳақиқатгўй куч сифатида ҳаракат қилишини ўйлаб ишни ташкил этиш муҳимдир. Халқ оммасининг ижодий активлигини ошириш, унинг ижтимоий онгини ривожлантириш, партия обрўсини, давлатнинг қуч-қудрати ва таъсирини ошириш — матбуот фаолиятининг асосий соҳасидир.

Янги жамият учун курашнинг ички сиёсий жиҳати жаҳон миқёсидаги ташқи сиёсий ва иқтисодий шарт-шароитлар мажмуаси билан чамбарчас боғлангандир. Инсоннят омон қолишининг бирдан-бир имконияти тақозо этаётган халқлар тинч-тотув яшаши идеалининг объектив ва олий қадрияти ўз-ўзидан қарор топавермайди. Бунга эришиш учун, жаҳон узра таҳдидни аниқ-равшан фаҳмлаб олиш учун тинимсиз кураш олиб бориш керак. Оммавий ахборот воситаларининг бу курашдаги имкониятлари ниҳоятда каттадир.

Мунозаралар чоғида келажакни бунёд этиш жараёнида камолга етадиган шахс идеали тўғрисидаги масала катта ўрин эгаллади. Социалистик жамиятдаги оммавий ахборот воситаларини бирлаштириб турадиган ягона идеал реал инсонпарварликдир, — конференция қатнашчилари шундай фикрга келдилар. Истиқбол сари қўйётган қадамимизни ҳам назарий жиҳатдан, ҳам амалий жиҳатдан асослаб берилганлиги, йўлчи юлдузни назардан қочирмайдиган фаолиятгина КПСС XXVII съезди, қардош мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари съездлари оммавий ахборот воситалари олдига қўйган вазифаларни муваффақиятли бажаришга имкон беради.

(ТАСС).

Телетайп лентасидан

ВАШИНГТОН. Федерал тергов бюросининг агентлари Вашингтон яқинидаги Вудбриж шаҳарчасида (Виржиния штати) Сицилия мафиясининг аъзоси Сальваторе Инцерильони қамоққа олдилар. Уни Интерпол ва Италия полицияси Сицилиянинг Палермо шаҳрида судья Гаэтано Костани ўлдирган деб айблаб, саккиз йилдан берн қидирарди. Жиноят 1980 йилнинг август ойида қилинган бўлиб, ўшанда мафия Италиядан АҚШга қонунга хилоф равишда наркотик моддаларни олиб ўтганлиги иши юзасидан тергов олиб борилаётганди. Коста мана шу контрабанда ишини тафтиш қилаётган эди. Федерал тергов бюроси бу ердаги қорадори бош савдогарларининг фаолиятини текшираётиб, Инцерильога дуч келиб қолди. Савдогарлар чоғроқ итальянча ошхоналардан «таянч базаси» сифатида фойдаланиб келганлар. Инцерильо шундай ошхоналардан биринг эгаси бўлган. У кўп йиллардан бери АҚШга наркотик моддалар етказиб бераётган Сицилия мафиясининг етакчи тўдаларидан бири — Спатола-Инцерильо тўдасининг аъзоси бўлганлиги маълум қилинди. Ҳозир Инцерильони АҚШдан жўнатиб, уни Италия полициясининг қўлига топшириш ишлари бошлаб юборилди.

ПАРИЖ. «Пежо» автомобиль компанияси маъмурияти тузган планга мувофиқ келаси йил ёзда машқур компания заводларида жами 4 мингтадан кўп иш жойлари тугатилади. Дирекция ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш заруратини бунга важ қилиб келтирган. Биринчи навбатда ишчилар ва ўрта техник бўғиндаги ходимлар ишдан бўшатилади. Ажнабий ишчиларни мамлакатдан чиқариб юбориш чоралари белгилаб қўйилган.

Мамлакатнинг энг катта касаба союз бирлашмаси — умуммеҳнат конфедерацияси иш жойларини камайтиришга қарши чиқмоқда. У бултур компания 6 миллиард франк фойда кўрганлигини айтди. Айни маҳалда 29 февраль куни «Ситроен» автомобиль компаниясининг Париж яқинида жойлашган заводи ёпилажаги эълон қилинди.

ЛОНДОН. Душанба куни Буюк Британия осмонида Шотландиядаги Абердин шаҳридан 300 километр нарида хавфли бир ҳодиса рўй берди. Шимолий денгизда парманланаётган қудуқларнинг биридан 11 ишчини олиб келаётган вертолёт Британия ҳарбий-ҳаво кучларининг қирувчи самолётига тўқнашиб кетишига сал қолди. Самолёт билан вертолёт бир йўлда бораётганлигини авиадиспетчерлар сўнгги дақиқадагина пайқаб қолдилар ва вертолёт экипажи учиш баландлигини кескин ўзгартирсин деб буйруқ қилдилар.

Тақдир тақозоси билан бу ҳодиса транспорт министри Пол Чэннон Британия парламентида бундан атиги бир кун аввал рўй берган ҳодиса тафсилотлари хусусида депутатлар берган саволларга жавоб қайтариб турганда содир бўлди. Якшанба куни Америка компаниясининг самолёти билан Британия компаниясининг самолёти экипажларнинг қатъий ҳаракатлари туфайлигина тўқнашиб кетишдан омон қолганди. Бу самолётларда 200 нафардан кўпроқ йўловчи бор эди.

Бундан икки ҳафта аввал диспетчерларнинг айби билан Кент графлиги осмонида Британия авиакомпанияси билан Болгария авиакомпаниясининг самолётлари ҳам тўқнашиб кетишига оз қолганди.

(ТАСС).

ЖАНУБИЙ ҚУТБ УСТИДАГИ ХАТАР

Янги Зеландияда ҳозир ёз. Мусаффо осмон, илиқ шамол. Тўғри, кейингиси жонга ҳам тегади, чунки Веллингтонда шамол баъзан яхши аэродинамик трубадагидек шовқин солади. Бунинг устига одамлар қуёшда тобланишни истайдилар. Энди бўлса қуёш ваннасини ўта эҳтиёткорлик билан қабул қилиш керак. Шифокорлар бу ҳақда доимо огоҳлантиришмоқда. Қолаверса, янги зеландияликларнинг ўзлари ҳам озон қатламини юпқалашаётганлиги барча жонзотга тобора хавф солаётганлигини яхши билишади. Одамларга эса тери раки хавфи туғилди.

...Қандайдир йигирма йил муқаддам веллингтонлик учун ёз келиши биланоқ тезда қорайишдан кўра ҳузур йўқ эди. Ҳазилкашлар уқтиришича ўша кезда Янги Зеландия тилида «қуёшдан ҳимояланиш» деган сўзнинг ўзи бўлмаган экан. Агар одамлар қуёш нуридан ўзларини сақлаш учун махсус кремлардан фойдаланишган бўлса, буни яхши қорайиш учун қилишган. Қандайдир сабабларга кўра парклардаги қалин дарахтлар соясида, пляжларда эса ранго-ранг соябонлар остида ўтиришни афзал кўрувчилар устидан кулиб қўйишарди. Рангпар, қораймаган кишиларга фақат ачинишарди.

Ҳозир эса иш бошқача. Энди қуёшда қорайиб кетганларга ачинишмоқда. Шифокорлар уларга ёрдам бергани шошиладилар, газеталар эса қуёшда нурланиш фақат терининг бевақт қариши ва ажин тушишигагина эмас, балки хатарли рак касаллигларига олиб келиши ҳақида огоҳлантирмоқда.

Дарҳақиқат, Янги Зеландияда тери ракига йўлиққан беморлар сони тўхтовсиз ўсмоқда. 1982 йилда 11 минг кишининг янги касаллиги учраганлиги қайд этилган эди. Айтиш керакки, бу уч миллионлик аҳоли учун ос эмас. Ўтган йили эса уларнинг сони янада ошди. Шундан 160 дан ортиқ киши вафот этди. Терининг 4 миллиметр жойига жароҳат етса, айтиш мумкинки, айланаси 8 сантиметр ва чуқурлиги 4 сантиметр бўлган гўшт олиб ташланиши керак. Даволашнинг бундан бошқа усуллари ҳозирча йўқ. Маҳаллий шифокорларнинг уқтиришича, бошқа ҳолларда самарали бўлган нур билан даволаш қуёшдан қуйган тери ракига таъсири бўлмаяпти.

Янги зеландияликларга қуёш нурлари таъсири солаётган хавф даражаси инглизларга қараганда 7 марта кўпроқ реалдир. Бунинг ҳаммасига озон, аниқроғи Жанубий Қутбда унинг тобора ошаётган тақчиллиги айбдор.

Мутахассислар ҳисоб-китобига кўра, озон қатламининг бир фойиз камайиши ультра бинафша нурларининг Ер юзасига тушиши 2 фойиз ошишига сабаб бўларкан. Уларнинг 4 фойизга кўпайиши эса бевосита тери ракига олиб келади. Тадқиқотлар сўнгги уч йил ичида Янги Зеландия устидаги озон ҳимоясининг зичлиги 7 фойизга пасайган дейишга асос бермоқда. Шундай қилиб, бу ерда тери ракига йўлиқиш 28 фойизга ўсган.

Б. КРОТКОВ.
АПН мухбири.

• *Партия турмуши: қайта қуриш қандай бораяпти?*

ТАШВИШ БЎЛГАНИ ЯХШИ

Назорат, кўрик, таҳлил каби тадбирларнинг аҳамияти беқиёсдир. Чунки фаолиятга четдан назар солинса унинг нуқсонлари дарров кўзга ташланади. Очиғини айтиш керак, бошланғич партия ташкилотларининг ҳаракати кўп жиҳатдан унинг секретарлари фаолиятига боғлиқ. Маълумки, баъзан биз секретарлар кундалик юмушлар билан ўралашиб асосий вазифаларни эътибордан четда қолдирамиз.

Шу тариқа коммунистлар авангардлигини ошириш ўрнига пилла қурти тарқатиш билан, масъулият, талабчанлик, тарбияни қарор топтириш ёддан кўтарилиб, шахсий секторда сут плани қовушмаётгани билан шуғулланиб кетамиз. Натижада партиявий таъсир сусайиб боради, партия комитетининг обрўси, мавқеи эса тобора тушаверади. Жанговарлик кўриги худди ана шу сингари қатор камчиликларни бартараф этишга хизмат қилаётир.

Бизда жанговарлик кўриги бир қанча даврларга бўлинган ҳолда амалга оширилади. Масалан, ўтган йилнинг охирларида цех партия ташкилотлари ишини такомиллаштириш борасидаги фаолиятимиз имтиҳон қилинди. Албатта, комиссия бу соҳадаги жиддий камчиликларни кўрсатди, амалий ёрдам берди. Райком бюроси мажлисида масала муҳокамага асос бўлди. Ишимизга ижобий баҳо ҳам берилди.

Қайта қуриш даврида бу юксак ишонч ва масъулиятга чорлашдир. Ана шу ижобий баҳо колхоз партия ташкилоти ўз иш услубини ўзгартириб бораётгани, кишилар билан яқин мулоқотда бўлиб, ўз фаолиятида уларнинг фикр-мулоҳазалари, таклифларига кўпроқ асосланганги натижаси бўлди. Коллектив бўлиб иш юритиш партия ташкилотимиз ишининг ўзаги бўлиб қолди.

Кўрик давомида фақат партком мажлисларида раҳбар кадрлар ҳисоботи эшитилаётгани, бунинг самараси кам бўлаётгани кўрсатилди. Биз шундан кейин партия йиғилишида колхоз правлениеси раиси Яхшибой Зариповнинг ҳисоботини эшитдик. Коммунистлар буни демократиянинг илк қадами деб қабул қилишди. Улар раисга турли масалалар юзасидан, жумладан нега узумчилик, майизчиликка эътибор бермаяпсиз, деб савол беришди. Дарҳақиқат, тамаки бошқа ҳамма экинларни сиқиб чиқараётган эди. Ўша йиғилишда раис партиявий топшириқ олди. Мана, энди майиз тайёрлаш плани ҳам бажариладиган бўлиб қолди. Энди раҳбар кадрлар ҳисоботларини очиқ партия йиғилишларида эшитиш одат тусига кирди.

Коммунистлар суҳбатларда цех партия ташкилотлари роли унчалик сезилмаётганини қайд этишганди. Аввалига цех партия ташкилотлари секретарлари семинарларини ташкил этдик. Секретарларга вазифаларини тушунтирдик, давр илгари сураётган масалалар моҳияти ҳақида гапириб бердик. Баъзиларга совуққонлик қилгани, ишни ташлаб қўйгани учун партиявий чора кўрилди. Энг асосийси, барча муаммоларни партия комитетига «етаклаб келиш»га чек қўйилди. Бу тадбирлар цех партия ташкилотлари ишини бирмунча жонлантирди. Аммо ҳамон сусткашлик бор, жанговарликни яна ҳам оширмоқ лозим.

Албатта, бу масаланинг турли сабаблари ҳақида ўйлаб кўриш керак. Баъзи ҳолларда изланмайдиган, партиявий ишни уддалашга иштиёқи бўлмаган, принципиаллик, қобилияти йўқ кишилар цех партия ташкилоти секретарлигига сайланиб қолади. Шундай бўладики, кадр танлашда партия комитети хатога йўл қўяди, анкетага кўпроқ эътибор қилади, баъзан эса коммунистлар принципиаллик билан иш талаб қилмайдиган, «мен сенга тегмай, сен менга» қабилида иш юритадиган кишига кўпроқ овоз беришади. Оқибатда умумий ишга путур етади. Бизда ферма цех партия ташкилоти секретари туфайли иш орқага кетганди. Кескин хулоса чиқаришга тўғри келди. Ҳозир анча ўзгаришлар бор.

Илгари пенсионер коммунистлар ҳақида ўйламаганмиз. Колхозимизда ундайлар анчагина. Ахир, бу катта куч. Айниқса, партия ташкилотининг жанговарлигини таъминлашга улар қодирдирлар. Мана, энди 21 нафар пенсионер-коммунистга партия топшириқлари берилди. Улар ғоявий-сиёсий, тарбиявий ишлар билан жиддий шуғулланмоқдалар.

Партия комитети фаолияти ижобий баҳоланган бўлса-да, ҳали камчиликлар етарли. Айниқса, инсон омили имкониятларидан тўлиқ фойдаланяпмиз, дея олмаймиз. Колхозда 13 минг аҳоли истиқомат қилгани ҳолда бор-йўғи иккита медпункт ишлаяпти. Буни район марказига яқин жойлашганимиз билан асословчилар ҳам бор. Аммо бу масаланинг ечими эмас. Маиший хизмат, савдода тартиб ўрнатмоқ шарт. Хуллас, партия ташкилоти кириб боролмаётган соҳалар анчагина. Бу эса жанговарлик давр руҳи даражасида бўлишига тўсқинлик қилади.

Ўтган йили барча соҳаларда планлар ижроси таъминланди. Аммо шу кунларда кўпроқ социал масалалар таҳлил қилинмоқда. Буни жуда тўғри, деб ҳисоблаймиз. Зеро, тинимсиз меҳнат қилишимиз учун етарли ташвишлар борлиги аниқланяпти. Демак, эртанги куннинг ҳам ўз ташвишлари бор. Ундан чўчимаймиз. Аксинча янада кўпроқ изланиб ишлашни мақсад қилиб қўйганмиз. Зеро қайта қуришнинг иккинчи босқичи ишлари ҳам ана шундан иборат.

Ф. ФАЗЛИЕВ,
Ургут районидаги «Октябрь» колхози партия комитети секретари.

ИНСОН, ЖАМИЯТ ВА ҚОНУН

ТЕРГОВНИ БИЛИМДОНЛАР ОЛИБ БОРСИН

Салбий ҳодисалар оқибатларини бартараф этиш учун кураш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига оширилган талаблар қўйилмоқда

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар жиноятчиликка қарши курашнинг олдинги маррасида турганликлари маълум. Аммо Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IX пленумида таъкидланганидек, улар ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни тўла-тўкис бажармаяптилар, социалистик мулкка тажовуз даражаси аслида камаймаяпти. Тергов аппарати ходимлари бу борада ўз фаолиятларини қандай қайта қурмоқдалар? Республика Ички ишлар министрлиги тергов бошқармасида ўтказилган давра суҳбати ва унда ўртага ташланган саволлар ана шу мавзуга бағишланди.

В. Я. КОНЕВСКИХ,

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигининг тергов бошқармаси бошлиғи, милиция полковники:

— КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган IX пленумида қайта қуриш ва жамиятимизни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришнинг муҳим шарти сифатида совет қонунларига сўзсиз риоя этишнинг муҳимлиги ўткир қилиб қўйилди. Социалистик демократияни чуқурлаштириш шароитида социалистик қонунчилик давлатимизни ривожлантириш, халқнинг ўз-ўзини бошқаруви, меҳнаткашлар, барча гражданларнинг конституцион ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолати сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигида жиноят рўй беришининг олдини олиш, ҳуқуқ бузилишларнинг барҳам топиши, социалистик қонунчиликка қатъий риоя этишга қаратилган бир қатор тадбирлар ишлаб чиқилди. Милиция бўлинмаларининг меҳнаткашлар оммаси билан бевосита мулоқоти кучайтирилмоқда. Ички ишлар органларининг зудлик билан аралашуви лозим бўлган масалалар бўйича оператив группа иш олиб бормоқда. Ариза ва шикоятлар билан қандай ва қайси телефон орқали мурожаат қилиш лозимлиги матбуотда қайта- қайта эълон қилинди.

А. Х. ПЎЛАТОВ,

Бухоро область ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг тергов бўлими бошлиғи:

— КПСС Марказий Комитетининг «Социалистик қонунчилик ҳамда ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш, гражданларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини муҳофаза этишни кучайтириш ҳақида»ги қарорида қўйилган талаблар ички ишлар органлари тергов ва суриштирувчилари фаолиятида асос қилиб олинмоқда. Ички ишларнинг шаҳар ва район органларида бўлиб ўтган партия ва комсомол йиғилишларида ана шу қарордан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди. Уни амалга ошириш чора-тадбирлари белгиланди. Ҳар бир органда, ходимлар, хизмат, шу жумладан, тергов-чилар фаолиятида социалистик қонунчиликка қаттиқ риоя этилишини назорат қилиш бўйича махсус комиссия тузилди. Навбатчилик қисмларида ҳамманинг эътибори тушадиган, кўринарли жойларга милиция ишини такомиллаштиришга оид таклиф ва фикр-мулоҳазаларни билдириш учун алоҳида дафтарлар қўйилди.

— Ҳар қандай тармоқда ҳам ишнинг муваффақиятини кадрлар ҳал қилиши маълум. Ҳолбуки, тергов аппарати ходимлари орасида ҳам хизмат вазифасига номуносиб иш тутаётганлар бор. Шундай экан, терговчи деган номни покиза сақлаш, уни улуғлаш учун қандай курашилаётир?

А. АЛЛАНАЗАРОВ,

Жиззах область ижроия комитети ички ишлар бошқармаси тергов бўлими бошлиғи:

— Албатта, милиция сафларига, шу жумладан, терговчилар орасига тасодифан кириб қолган кишиларга нисбатан ҳеч қачон эътиборсизлик қилинган эмас. Кейинги йилларда республикамизда содир бўлган салбий ҳоллар ички ишлар органларининг тергов аппаратида ҳам мавжуд эканлиги маълум бўлгач, унга қарши муросасиз кураш бошланди. Бошқармамизда тузилган аттестация комиссияси ходимларнинг иш фаолиятида, унинг маънавий қиёфаси, турмушдаги хулқ-атвори, ўз ишига кафолатлилиги, давлат, жамият манфаати ҳимоясида қатъий тура билиши масаласини кўриб чиқмоқда. Ўтган йили областимизда ножўя хатти-ҳаракатлари учун терговчилар А. Ташликов ҳамда А. Ядуллаев ички ишлар органларидан ишдан бўшатилди.

П. ОБГОЛЬЦ,

республика Ички ишлар министрлиги тергов бошқармаси бошлиғи ўринбосари, милиция подполковники:

— Кейинги икки йил мобайнида ички ишлар органлари тергов аппарати кадрлари анча янгиланди, олий ўқув юртларининг битирувчилари, ёш кадрлар билан мустаҳкамланди. Ёш мутахассисларга тажрибали, ҳар томонлама малакали терговчилардан мураббийлар белгиланган. Касб-ҳунар маҳоратини ошириш мактаби ишлаб турибди. Терговчиларнинг малакасини ошириш программаси амалга оширилмоқда.

Ҳар бир раҳбар, ҳар бир терговчидан жамоатчилик, меҳнат коллективлари билан олиб бораётган ишлари ҳақида мунтазам ва аниқ ҳисоботлар талаб қилаётирмиз. Терговчилар жиноий ишлар бўйича тергов ишлари тугагач, корхона ва муассасалар раҳбарлари адресига жиноятлар рўй беришига олиб келувчи сабаблар ва шарт-шароитни бартараф этиш ҳақида кўрсатма ёзиш билан чекланишмаяпти. Бевосита у ёки бу жиноят рўй берган коллективга боришади, меҳнаткашларга ҳуқуқни бузиш қандай содир қилингани аниқ тушунтирилиб, ушбу коллектив жиноятнинг олдини олишга даъват этилмоқда. Бунга республика Ички ишлар министрлиги тергов қисми катта терговчиси, милиция полковники Н. Абаевнинг ишини мисол қилиб келтириш мумкин. У катта миқдорда социалистик мулкнинг ўғирланганги ҳақидаги жиноий ишни очишни муваффақиятли тугатгач, Нариманов ва Янгийўл шаҳар савдо бошқармалари ходимлари ҳузурида икки марта ушбу масала ҳақида гапириб берди. Чунки худди ана шу ташкилотларнинг контроль-ревизия тадбирларидаги хато-камчиликлар туфайли савдо корхоналарида давлатга қарашли пул маблағларини ниқобланган ҳолда ўғирлаш рўй берган эди.

Шу билан бирга хотиржам бўлиш учун ҳали эрта. Ёш терговчиларни тарбиялаш, тергов аппарати коллективини мустаҳкамлаш учун ҳали кўп иш қилиниши керак.

— Сизнинг қўлингизга инсон тақдири ишониб топширилган. Демак, хато қилиш мумкин эмас. Шунга қарамай, терговчилар ишда нуқсонлар содир бўлиб турибди.

Т. АЙДАРОВ,

Тошкент область ижроия комитети ички ишлар бошқармаси тергов бўлими бошлиғи, милиция подполковники:

— Бу жиҳатдан терговчининг фаолиятини жарроҳлар ишига қиёслаш мумкин. У асло хато қилиши мумкин эмас. Афсуски қатор чора-тадбирлар кўрилишига қарамай ҳамон аниқ ишлай билмаяпмиз. Қонунга хилоф иш тутиб ҳибса олиш, жиноий жавобгарликка нотўғри тортиш ҳам, жиноий иш очишга асоссиз рад жавоби бериш, жиноий ишни охирига етказмай тўхтатиб қўйиш ҳоллари ҳам бор. Бу нарса кишиларнинг социал адолатга бўлган ишончига шубҳасиз раҳна солади, жамиятга катта зарар келтиради.

Бунга энг асосий сабаб терговчиларнинг етарли касб-ҳунар тайёргарлигига эга бўлмаслигидир. Олайлик, Янгийўл шаҳар прокурори томонидан эр-хотин Юнусовларга нисбатан жиноий иш қўзғатилган эди. Ишни ўрганиш Янгийўл шаҳар ички ишлар бўлими терговчиси А. Пўлатовга топширилди. У Юнусовлар ишини судга оширди. Гарчанд, Янгийўл шаҳар суди Юнусовларни айбдор деб ҳисоблаган бўлса ҳам кейинчалик ҳукм рад этилди, уларга нисбатан жиноий иш тўхтатилди. Қанча кўнгил хиралик, оворагарчилик, асаб бузилишлар рўй берди бу ерда. Уларнинг ўрнига ҳар ким ўзини қўйиб кўрсин-а? Жуда оғир.

В. Я. КОНЕВСКИХ,

— Гоҳо айрим ёш терговчиларнинг касб-ҳунар маҳорати етарли даражада эмаслиги панд бермоқда. Жиноятни келтириб чиқарган барча шарт-шароитлар атрофлича тўла ва объектив текшириб чиқилиши кераклиги ҳақидаги қонун талабларига тўла риоя этилмаганлигидан иш барбод бўлмоқда. Ўнлаб ишлар прокурор ҳамда халқ судларида қўшимча текшириш ўтказиш учун қайтарилаётир. Бундай ҳолларда ҳизмат текшируви ўтказилмоқда, ички ишлар органларидан бўшатишгача бўлган чора-тадбирлар кўрилмоқда.

— Олайлик, оддий район ёки шаҳар ички ишлар бўлими терговчилари олдида ҳал этиш қийин бўлган масала ва муаммолар туғиляптими? Унга юқоридан қандайдир тазйиқ қилиш рўй бермаяптими?

М. И. ЧВЕРТКИН,

республика Ички ишлар министрлиги тергов бошқармасининг назорат-методик бўлими бошлиғи, милиция майори:

Айни вақтда қонун йўли билан ҳақли бўлган кишилардан бошқа кишиларга ким бўлишидан қатъи назар ишга аралашиш ман қилинди. Тегишли қонунда баён этилганидек, терговчи жиноий ишни ўрганиш давомида келиб чиққан барча масалаларни мустақил ҳал қилади ва ҳар бир конкрет ишнинг аҳволи ҳамда натижаси учун тўла жавобгардир.

Кейинги вақтда ички ишлар органлари терговчилари иш практикасида қонунсиз кўрсатмалар бериш ва бошқа йўллар билан юқоридан терговчига таъсир кўрсатиш ёки тазйиқ қилиш фактлари амалда барҳам топди. КПСС Марказий Комитетининг социалистик қонунчилик ва тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, гражданларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини муҳофаза қилишни янада кучайтириш ҳақидаги қароридан сўнг бундай фактлар терговчилар фаолиятида рўй бермаслигига қаратилган чора-тадбирлар белгиланди ва амалга оширилмоқда.

Гап терговчилар фаолиятига оид проблема ва масалалар ҳақида борар экан, ишнинг ўз тилимиз билан айтганда кабинет системаси ҳақида гапириш ўринли бўлар. Бу гап бир қарашда майдароқ бўлиб кўриниши мумкин. Аммо тан олмай иложи йўқки, бир хонада икки-уч, баъзан ундан ҳам кўпроқ терговчилар ҳаётдан узилган ҳолда, нуқул қоғозлар асосида иш олиб бораверишса, натижада ундан иш сифати зарар кўради. Бундай кўнгилсиз ҳоллар аллақандай узоқ қишлоқларда, районларда эмас, Тошкент шаҳрида — Ленин, Куйбишев, Акмал Икромов район ички ишлар бўлимларида кузатилмоқда.

К. СОДИҚОВ,

Фарғона область ижроия комитети ички ишлар бошқармаси тергов бўлими бошлиғи, милиция подполковники:

— Аммо амалда, гоҳо ички ишлар органлари баъзи раҳбарларининг терговчиларнинг процессуал фаолиятига аралашуви фактлари учрамоқда. Бу сўзсиз ишга халал бераётир, қонунчиликдан чекинишларга сабаб бўлмоқда.

А. ШАРИПОВ,

республика Ички ишлар министрлиги тергов бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, милиция майори:

— Кейинги йилларда республикамизда жиноятчиликнинг бирмунча камайиши кузатилаётган бўлса-да, унинг даражаси баландлигича қолмоқда. Квартира ўғирлиги, автотранспортларни ўғирлаб кетиш, гиёҳвандлик каби жиноий ишлар кўп учраётир. Албатта, унга қарши кураш ички ишлар органлари фаолиятининг муҳим йўналиши бўлиб қолмоқда. Социалистик мулкни ўғирлаш масаласига тўхталмоқчиман.

Ўтган йили тергов қисми терговчилари томонидан бир қатор йирик ҳажмда ўғирлик қилиш бўйича мураккаб жиноий ишлар ниҳоясига етказилди. Тошкент области савдо тармоқлари ходимларидан бир группаси узоқ муддатли жазога тортилди. Магазин мудирлари М. Толипов, Х. Акбаров, Т. Саралидзе, В. Онишченко ва бошқалар мунтазам равишда халқ мулкини ўғирлаш, олиб сотарлик, мансаб юзасидан бошқа жиноятчилик билан шуғулланиб келганлар. Қисқа муддатда улар 921 минг сўмни ўзлаштирдилар ва камомад қилдилар. Бу жиноят қандай содир бўлганлиги тафсилотига берилмоқчи эмасман. Пуллар

> *Ишнинг муваффақияти кадрларга боғлиқ*
>
> *Инсон тақдири билан ўйнашиб бўлмайди*
>
> *Жиноятнинг олдини олиш йўлида*
>
> *Лавозимини суиистеъмол қилганлар*
>
> *Ҳуқуқбузар жазосиз қолмайди*

ва ўғирлик моллар нимага сарфланди? Безак ва тақинчоқлар сотиб олиш, ресторанлардаги «айш-ишратга», танишларга совға-саломлар қилишга. Нариманов ва Янгийўл шаҳар савдо бошқармаларида яқингача товар, моддий бойликларнинг сақланиши устидан деярли назорат йўқ, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш принциплари қўпол равишда бузилган. Бухгалтерия ҳисоби ўз ҳолига ташлаб қўйилган эди. Юқори савдо ташкилотлари бу жиноятчиликдан керакли хулоса чиқариб оладилар, деб ўйлайман.

Оммалашган ва жамиятимизга катта хавф солаётган жиноятчиликнинг бошқа бир кўринишлари таркибида наркотик модда бўлган экинлар экиш, наркотик моддалар истеъмол қилишга кишиларни тортишдир. Кўпинча бу жиноятлар уюшган жиноятчилар группаси томонидан амалга оширилмоқда. Бу моддани ташиш ва сотиш учун автотранспортдан фойдаланилади, етиштириш учун томорқа ерлар мослаштирилмоқда. Ушбу жиноятлар содир бўлишининг ўзига хос хусусияти жиноий алоқаларнинг шоҳобчаланиб кетганлигидир. Гоҳо у бир неча областлар ва республикаларни қамраб олган бўлади.

Илгари бир неча бор судланган М. Ризаев бошқарган группа ихтиёрида кўкнори тайёрлаш учун хом ашё—беш тоннадан кўпроқ майдаланган кўкнори қовоғоғи бор эди. Жиноий группа қатнашчиларини тинтув қилиш жараёнида 210 минг сўм миқдорида турли қимматбаҳо буюмлар мусодара этилди. Ҳамма жиноятчилар жазога тортилди. Аммо, ушбу ишни тергов қилиш республика жамоатчилиги гиёҳвандлик каби оғир иллатга қарши курашда деярли қатнашмаётганлигини кўрсатди. Маҳаллий Советлар, хўжаликлар раҳбарлари аҳолини жиноятчиликнинг ушбу кўринишини йўқотишга сафарбар этишда етакчи куч бўлишлари лозим.

— Ички ишлар органларининг тергов аппарати ходимлари квартира ўғирликларини фош этиш ва олдини олишда қандай иштирок этишяпти?

К. СОДИҚОВ,

— Тергов бўлинмалари ходимлари квартира ўғирликларини фош этиш, унинг олдини олишда фаол қатнашмоқдалар. Терговчи оператив группа составида жиноят содир бўлган жойга борар экан, криминалист-эксперт билан бирга ишни ўрганади, ашёвий далиллар топади, ўғирлик қандай содир этилганлигини, келтирилган зарарнинг ҳажмини белгилайди, гувоҳларни сўраб-суриштиради. У жиноятни текширар экан, тегишли ташкилот ёки муассасага ўғирлик юз беришига олиб келган сабабларни бартараф этиш ҳақида тавсия таклиф этади.

Олайлик, бинокорлар кўпинча эшикнинг асосий қисмларини пресслаган ёғоч ёки картондан тайёрлашяпти. Бу нияти бузуқ кишиларга қўл келаётганлиги равшан. Улар кўп ҳам қийналмай, квартирага ўғирликка киришяпти. Биз бу масалани қайта-қайта турли доираларда кўтариб чиқдик. Аммо, ҳозирча фикримизни инобатга олдиролмаяпмиз.

Квартира ўғирлигини олдини олишда терговчиларнинг кўп қаватли уйларнинг эшиклари ва йўлак эшикларини ҳимоя сигналлари, кодли қурилмалар билан жиҳозлаш ҳақида аҳолига билдирилган таклифлари тўғри бўлиб чиқяпти. Областимизда ҳар бир терговчи шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари ҳузурида ҳуқуқ пропагандаси мавзуида бот-бот суҳбат ўтказиб туради. Табиийки, ана шундай суҳбатлар, чиқишлар чоғида кишиларни текинхўрлик билан кун кечираётганлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари эшитилади, тегишли маълумотлар олинади. Бу мулоқот меҳнаткашларнинг мол-мулкига тажовуз қилиш, уни ўғирлаш ҳолларини фош этишни анча осонлаштиради.

Р. МИРЗАЕВ,

Тошкент шаҳар ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг тергов бўлими бошлиғи, милиция майори:

— Квартира ўғирликларини техник воситаларни кенг қўлланиш йўли билан ҳам камайтириш мумкин. Истаган киши арзимас ҳақ ҳисобига ўзи яшаб турган жой бўйича муассасадан ташқари соқчилик бўлимига муҳофаза сигнализациясини ўрнатиш хусусида илтимоснома ёзиши мумкин. Айни вақтда Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси барча бўлимлари бу масала билан узлуксиз шуғулланмоқда. Республикамизда муайян уйжойлар муҳофаза этишнинг замонавий бошқарув мосламалари билан жиҳозланганлиги маълум. Бу тадбир ниҳоятда самарали эканлиги ойдинлашмоқда. Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси қўлида ана шундай мослама ўрнатилган квартираларда ўғрилар жиноят чоғида ушланганлиги ҳақидаги ишлар бор.

— Ўтган йили марказий матбуотда республика Ички ишлар министрлигининг гиёҳвандликка қарши курашдаги фаолияти танқид қилинган эди. Бу масалада ҳозир иш қандай боряпти? Олдинга силжиш борми?

А. МАМАДИЕРОВ,

Сурхондарё область ижроия комитети ички ишлар бошқармаси тергов бўлими бошлиғи, милиция майори:

— Ҳозир гиёҳвандликка қарши курашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кейинги вақтда ўтказилган тадбирлар натижасида Сурхондарё областида кейинчалик сотиш учун таркибида наркотик модда бўлган ўсимликлар экиш билан шуғулланган анчагина кишилар аниқланди. Албатта, бу экинлар йўқ қилиниб, айбдорлар жиноий жавобгарликка тортилди. Аммо, биз асло хотиржамликка берилмоқчи эмасмиз. Бу борада изчил, кўп ишлаш лозим. Гиёҳвандлик масаласини бир зарба ёки бир ҳамла билан ҳал этиш ҳақида ўйлайдиганлар янглишишади. Аҳоли ўртасида тарбиявий ишлар олиб бориш, гиёҳвандликнинг зарари, унинг жамият учун хавфли эканлигини тушунтириш керак. Эътибор қилинг, 1987 йилда олдинги йилдагига нисбатан гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар 80 процент кўп содир бўлганлиги аниқланди. Таркибида наркотик модда бўладиган жами 19,5 гектар майдондаги ўсимликлар йўқ қилиб ташланди, жиноятчилардан 733 килограмм кўкнори ва наша мусодара этилди.

Г. А. ГАВРИЛИЧЕВ,

Наманган область ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг бошлиғи, милиция полковники:

— Ўтган йили «Қора кўкнори» номи билан ўтказилган операцияда Наманган области территориясида гиёҳвандлик билан боғлиқ бўлган ўнлаб жиноий иш аниқланди. 1986 йилда эса бундай жиноий ишлар анча кам аниқланган эди. Кўкнори экилган анчагина майдонлар шудгор қилиб юборилди. 206 киши рўйхатга олинди. Улардан 7 киши балоғатга етмаган ёшлар эканлиги кишини анча ўйлантириб қўяди. Жиноий иш билан шуғулланганлар орасида 76 ишчи, 28 колхоз аъзоси, 20 хизматчи, 22 та вақтинча ишламаётганлар, 66 та илгари судланганлар бор. Кўриб турибсиз, ошкоралик даври, ҳамма нарсани очиқ-ойдин гапиряпмиз. Чамаси, ана шу ошкоралик ҳар қандай салбий ҳолатларга тўғри, холис, одилона баҳо беришга, уни тезроқ бартараф этишга ёрдам беради.

— Ички ишлар органлари терговчиларн ҳуқуқ пропагандаси ишида қандай қатнашмоқдалар? Уларнинг фаолияти самарали бўляптими?

Б. ПАРПИЕВ,

Андижон область ижроия комитети ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, милиция полковники:

— Бу масалада ички ишлар органлари ходимларига талабни янада кучайтириш вақти келди. Милиция ходиминнинг ҳуқуқ билимларини тарғиб қилишда фаол иштирок этиши Ўзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодексида ҳам кўзда тутилган. Хусусан, кодекснинг 49-моддасида жиноят содир бўлишига имконият берган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш, ҳамда тегишли ташкилот ва муассасаларга ана шу ҳақда тавсиялар тақдим этиш таъкидланган. Бошқармамизда бу талабга риоя этилмоқда. Текширилаётган ҳар бир жиноий иш бўйича уни бартараф этишга оид таклифлар тайёрлаш одатга айланган.

Ундан ташқари терговчилар меҳнат коллективларида бўлиб, ҳуқуқ пропагандаси мавзуида ахборот, лекция, суҳбатлар ўтказишади. Область газетаси саҳифаларида «Ички ишлар бошқармаси навбатчилик қисми хабар қилади» рубрикаси остида тез-тез материаллар бериладиган бўлиб қолди. Унда ҳуқуқбузарларнинг афт-башаралари фош этилади. Яқинда мен ички ишлар бошқармаси раҳбарларининг аҳоли билан телефон орқали бевосита мулоқотида иштирок этдим. Унда меҳнаткашлар милиция фаолиятини яхшилаш, жойларда тегишли тартиб-интизомни ўрнатиш бўйича саволлар билан мурожаат қилишди, таклифлар айтишди. Барча мурожаатларга аниқ жавоб қайтарилди.

— Бевосита терговчиларнинг ўзлари ҳам социалистик қонунчиликни бузиши ҳоллари содир бўляптими?

В. Я. КОНЕВСКИХ,

— Афсуски бундай ҳоллар рўй беряпти. Суҳбатимизнинг бошланишида ана шунга оид бир неча мисоллар келтирган эдим. Республика Ички ишлар министрлиги ички ишлар органлари сиёсий аппарати ҳамда партия ташкилоти билан ҳамкорликда терговчиларни жиноий ишларни ўрганишда социалистик қонунчиликка қатъий риоя этиш руҳида тарбиялаш бўйича катта иш олиб бориши керак.

Ички ишлар органлари тергов аппарати ходимлари ўртасида қонунчиликни бузишнинг тарқалган усулларидан бири тергов ишларини сифатли ўтказмасликдир. Натижада бот-бот жиноий ишлар делоси халқ судларидан қайтарилмоқда. Яқинда Тошкент область ижроия комитети ички ишлар бошқармаси терговчиси билан шундай бўлди. Уликов, Шарипов ҳамда Йўлдошевларни айблаш бўйича ишни сифатсиз тайёрлаганлиги учун у қаттиқ жазоланди. Бундан нима чиқди? Суд бир неча бор ишни қайта ўрганиш учун қайтарди. Охир-оқибатда етарли асосларга эга эмаслиги сабабли жиноий иш тўхтатилди.

А. ПЎЛАТОВ,

Бухоро область ижроия комитети ички ишлар бошқармаси тергов бўлими бошлиғи, милиция подполковники:

— Тўғрисини айтиш керак. Ички ишлар органлари амалий фаолиятида совет милициясининг ходими деган номга исталган келтиришлар, кишиларни асоссиз равишда жиноий масъулиятга тортиш, қонунсиз ҳибса олиш ва бошқа қонунбузарликлар рўй бериб турибди. Масалан, областимизда 1986 йили бир неча ана шундай ҳодисалар рўй берди. Гражданларни нотўғри ушлаб қолганлиги учун Бухоро шаҳар Тўқимачилик район ички ишлар бўлими терговчиси С. Тўлаев эгаллаб турган лавозимидан бўшатилди. Биз бу фактлардан тегишли хулоса чиқармоқдамиз. Кейинги вақтда бундай салбий ҳодисалар рўй бермаяпти. Қонун ҳимоясидаги кишиларнинг қонунбузарлик билан шуғулланиши ҳеч қандай қуюшқонга сиғмайди. Бундай фактларга муносиб баҳо бериш, унга қарши принципиал кураш олиб бориш керак.

— Ички ишлар органлари тергов аппаратини алоҳида ажратиб олиш, унга мустақиллик бериш ҳақида фикрлар айтиляпти.

В. Я. КОНЕВСКИХ,

— Айни вақтда СССР Ички ишлар министрлиги бу масалани ўрганиб чиқмоқда, бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари билан биргаликда тегишли юқори ташкилотларга тегишли таклифлар билдирилади.

Давра суҳбатини Ўзбекистон ССР ички ишлар министрининг биринчи ўринбосари, милиция генерал-майори

Э. А. ДИДОРЕНКО якунлади:

— Мамлакатимизда жамият ҳаётини демократиялаш амалга оширилмоқда. У ошкоралик масаласи билан бевосита боғлиқдир. Ошкоралик ҳалол танқид ва ўз-ўзини танқидга, жамоатчилик олдида мунтазам ҳисобот бериб туришга, масалаларни ҳал қилиш учун коллектив изланишга кенг йўл очади. Нафсиламрига ошкоралик социал адолатга сўзсиз риоя этишни таъминлашнинг кенг қўламдаги халқ назоратидир.

Терговчи милициянинг бошқа хизматлари қатори рўй берган салбий ҳодисалар олдида ниҳоятда масъулдир. Ўтмишда рўй берган салбий ҳоллар маълум маънода милиция ходимлари, қолаверса терговчиларнинг хотиржамлик кайфиятига ўтиб олганликлари, масалаларга келишувчилик билан қараганликлари туфайлидир. Шундай экан, терговчи ўз фаолиятида кенг оммага таяниши керак. Ҳар бир жиноят пухта ўрганиб чиқилиб ошкор этилгандагина у кўпчилик томонидан маъқуллаб кутиб олинади. Ҳар бир терговчи ўз иш савиясини юқори кўтаришигина ўзига обрў келтиришини бир дақиқа ҳам унутмаслиги керак. Қолаверса, оддий терговчининг кундалик фаолияти, одиллиги барча коллективларда социал адолатни қарор топтириш, кишилар ўртасидаги маънавий муҳитнинг яхшиланишини таъминлайдиган муҳим фактор, меҳнат муваффақиятларини таъминлашнинг муҳим омилидир. Шундай экан, ички ишлар органлари тергов аппарати ходимлари партия XXVII съездида таъкидланганидек, ҳар қандай аҳоли пунктида бирорта ҳам ҳуқуқбузар тегишли жазодан қочиб қутула олмаслигига одамларнинг ишончлари комил бўлиши учун фаолиятни янада активлаштиришлари керак.

Давра суҳбатини Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги матбуот группаси бошлиғи милиция майори **В. САФИУЛОВ** ва «Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари **Т. НАЖМИДДИНОВ, С. МУҲИДДИНОВ**лар ёзиб олишди.

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТЬ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БЎЛИМИ:

— Ғузор районида яшовчи Н. Қаҳҳоровнинг район юқумли касалликлари шифохонаси баъзи врачларининг масъулиятсизлиги, совуққонлиги тўғрисидаги хати текширилди. Район медицина кенгаши қарори билан даволаш ишлари устидан назорат ўрнатмаганлиги, оғир беморга етарли эътибор бермаганлиги учун юқумли касалликлар шифохонаси бош врачи Р. Турдиқуловга шахсий варақасига ёзиш шарти билан ҳайфсан берилди. Бироқ аризачи бунга рози бўлмай қайта шикоят қилди.

Мазкур шикоят хат район партия комитети ва район Совети ижроия комитети томонидан кўриб чиқилди. Область соғлиқни сақлаш бўлими ва район марказий шифохонаси бўйруқлари билан Р. Турдиқулов лавозимидан бўшатилди.

«Газетада босилмади, аммо чора кўрилди

«УЗСЕЛЬХОЗХИМИЯ» СИРДАРЁ ОБЛАСТЬ БИРЛАШМАСИ:

— Боёвут район «Сельхозхимия» ишчиларининг шикоят хати юзасидан текширув ўтказилди. Мактубда келтирилган фактлар қисман тасдиқланди. Район «Сельхозхимия» раиси П. Умаров касб эгаларини ишга жойлаштириш тартиби ва шартларини қўпол равишда бузган.

Область «Сельхозхимия» бирлашмаси бўйруғи билан молиявий интизомни бузганлиги, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда назоратни бўшаштириб юборганлиги учун П. Умаровга ҳайфсан эълон қилинди.

КЕЛИНГ, ЎЙЛАШИБ КЎРАЙЛИК!

ВИЖДОНГА ҲАВОЛА

Қрим татарлар масаласи шу миллат вакили сифатида мени ҳам ташвишга солади. Тўғриси, ҳамюртларимнинг бу борадаги талаб ва истакларига мен ҳам қўшиламан. Лекин ўз хатти-ҳаракатига сиёсий тус бериб, шов-шув кўтаришга, экстремистик ҳаракатларга мутлақо қаршиман. Бу қрим татарлар масаласи билан шуғулланаётган комиссия фаолиятига халақит бериш-дан ташқари миллатимиз номига доғ туширади, меҳнатсевар халқимиз тўғрисида нотўғри тушунчалар келтириб чиқаради, холос.

Қардош халқлар ягона оиласида минглаб қрим татар вакиллари сидқидилдан, ҳалол меҳнат қилишяпти. Жамиятимиз ривожига ҳисса қўшяпти. Аммо, улар билан экстремистлар манфаати, дунёқараши ўртасида катта фарқ бор. Бироқ экстремистларнинг ножўя ишлари турли шов-шувларни келтириб чиқаряпти. Бунга сабаб нима?

Менимча, бунга аввало, қрим татар миллати вакиллари бўлган коммунистларнинг лоқайдлиги ва бу масалага мутасадди комиссия аъзоларининг омма орасида кенг тушунтириш ишлари олиб бормаётгани сабаб бўляпти. Чунки бу масалага оид ҳар бир янгилик, хабарни қрим татарлар сабрсизлик билан кутяпти. Бундай шароитдан экстремистлар ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уринмоқдалар. Агар оммага бу масала қандай ҳал этилаётгани ва комиссия фаолияти тўғрисида батафсил маълумот бериб борилганда шубҳасиз турли кўнгилсиз ҳодисаларга ўрин қолмаган бўларди.

Ҳозир энг муҳим вазифа омма ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб бориш ва экстремистларнинг ҳақиқий башарасини очиб ташлашдан иборатдир. Негаки, экстремистлар зўр бериб қрим татарлар ўртасида комиссия фаолиятига ва унинг тўғри хулоса чиқаришига ишонмасликни пропаганда қилишяпти. Шу ўринда савол туғилади, хўш у ҳолда қрим татарлар масаласини ким оқилона ҳал қилади? Экстремистлар мурожаат этаётган чет эллик корчалон «дўстларимизми» ёки партия ва ҳукумат томонидан тузилган нуфузли комиссиями? Буниси ҳамюртларимнинг виждонига ҳавола.

Осман МУСТАФОЕВ,
Тошкент область агросаноат комитети катта инженери.

Сўнгги йилларда пойтахт ва область театрларида доҳий В. И. Ленин образи яратилган қатор спектакллар саҳналаштирилди. Мана шундай асарлардан бирн М. Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё область музикали драма театри саҳнасида кўрсатилмоқда. М. Шатров пьесаси асосида саҳналаштирилган бу спектакль «Инқилоб этюдлари» деб аталади.

СУРАТДА: шу спектаклдан бир кўриниш. В. И. Ленин ролида Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Омон Беганжнев. Ш. Шаропов фотоси. (ЎзТАГ).

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

«ЎҚИТУВЧИ» НАШРИЁТИДА ЧОП ЭТИЛГАН ЯНГИ КИТОБЛАР:

Авторлар коллективи: Русча нутқни ривожлантириш бўйича қўлланма. 88 бет. Баҳоси 20 тийин.

Бу қўлланма республикамиз олий ўқув юртлари тайёрлов бўлимларининг тингловчилари учун мўлжалланган.

С. Афонина. Математика ва гўзаллик. 224 бет. Баҳоси 75 тийин.

Китобда математик материалга асосланган фокслар, софизмлар, эрмаклар берилган. Бир қанча материал «Табиатда математика» масаласига бағишланган, уларда математиканинг гўзаллиги очиб берилади.

Н. Шодиев. Студентларга ўқувчиларни касб танлашга йўллаш ишларини ўргатиш. 232 бет. Баҳоси 80 тийин.

Қўлланмада педагогика институтлари студентларини умумий таълим мактаби ўқувчиларини касб танлашга йўллаш ишларини тайёрлашнинг мураккаб, кўп қиррали масалалари ҳамда уларни ҳал этиш ва амалга оширишнинг назарий асослари ўрганилади.

Авторлар коллективи. Француз тили дарслиги. 208 бет. Баҳоси 90 тийин.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги чет тиллар педагогика институтининг III курс студентлари учун дарслик сифатида тавсия этган.

Т. Мирсоатов. Немис тили грамматикаси. 272 бет. Баҳоси 85 тийин.

Қайта ишлаш жараёнида дарслик янги илмий-назарий материаллар билан бойитилди, кўпгина морфологик ҳодисаларнинг ҳақиқий моҳияти очилди, кам қўлланиладиган ва тушунилиши қийин бўлган сўз ёки гаплар амалда кўпроқ қўлланиладиганлари билан алмаштирилди.

Авторлар коллективи. Шахмат назарияси ва амалиёти. 280 бет. Баҳоси 1 сўм 80 тийин.

Тўпламда совет шахмат мактаби тажрибаси умумлаштирилган, мусобақаларга тайёрланиш методлари системаси баён қилинган. Шахмат стратегияси ва тактикаси масалалари қараб чиқилган. М. Муҳиддинов таржима қилган бу китобда жаҳон чемпионлари М. Ботвинник, В. Смислов, М. Таль ва А. Карповнинг илмий-педагогик тавсиялари баён қилинган. Шунингдек, ўтмишдаги машҳур шахмат усталарининг материаллари берилган.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

СИЗ НИМА ЮТИБ ОЛДИНГИЗ?

АВТОМОБИЛМИ, МОТОЦИКЛ ЁКИ МАГНИТОФОНМИ? БАЛКИ, КИНОКАМЕРА ЁКИ ТЕЛЕВИЗОР ЮТИБ ОЛГАНДИРСИЗ?

СССР ДОСААФ ЛОТЕРЕЯСИНИНГ БИРИНЧИ ЧИҚАРИЛИШИ БЎЙИЧА ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ 2 ИЮЛДА ПЕНЗА ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛАДИ.

БУ ТИРАЖДА ҚУЙИДАГИ БУЮМЛАР ЮТУҚ ТАРЗИДА ЎЙНАЛАДИ:

«Волга» ГАЗ-24-10, «Жигули» ВАЗ-2108, «Запорожец» 968 М автомобиллари (640 та);

«Урал» ИМЗ-8-103, «ИЖ-ЮПИТЕР-5К», «ИЖ-ПЛАНЕТА 4Н2» мотоцикллари (960 та);

теле- ва радиоаппаратуралар ҳамда музика товарлари — радиоприёмниклар, «Электроника» маркали рангли ва қора-оқ тасвирли телевизорлар, магнитофонлар, амфитонлар, магнитолалар;

фотоаппаратлар ва кинокамералар;

микрокалькуляторлар;

электр самоварлар, кофемолкалар, сумка-холодильниклар;

соатлар, одим ўлчагичлар;

слесарлик асбоблари йиғмаси;

«Малютка» кир ювиш машиналари, «ЗИЛ» холодильниклари, «Урал» (чангютгич) пилесослари; туризм ва спортга оид турли буюмлар (18.080 та).

125 сўмгача пул ютуқлари.

Жами умумий суммаси 20 миллион сўмдан ортиқ бўлган 7 миллион 680 мингта буюм ва пул ютуқлари ўйналади.

Лотерея ўйинидан тушган маблағ ўқув бинолари ва спорт иншоотлари қурилишига ҳамда уларнинг замонавий техника ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланишига, шунингдек техникавий ва ҳарбий-амалий спорт турларининг ривожлантирилишига, оммавий-мудофаа ишлари ва ҳарбий-ватанпарварлик пропагандасини такомиллаштиришга сарфланади.

Лотерея билетларини ДОСААФнинг бошланғич ташкилотларида ва жамоатчи тарқатувчилардан харид қилиш мумкин.

Билетнинг баҳоси — 50 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДОСААФ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ. «СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети

«УЗВЛАДИМИРСТРОЙ» ТРЕСТИ

(РСФСР, Владимир области, Владимир шаҳри, Большая Московская кўчаси, 24-уй).

ДОИМИЙ ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

инженер-механиклар, гидротехниклар, қурилишда иш тажрибасига эга бўлган бухгалтерлар: 4—5-разрядли ишчилар, газ ва электр пайвандловчилар, электр пайвандчилар, автоскреперчилар, тракторчилар, бульдозерчилар, бир кавшли экскаватор ва экскаватор кранларининг машинистлари, слесарь-сантехниклар, қувур ётқизувчилар, дурадгорлар, бўёқчилар, сувоқчилар, «Е» категориясидаги автомашиналарни бошқариш ҳуқуқи бўлган I—II класс ҳайдовчилари.

Ишга борувчиларнинг сўнгги иш жойидаги узлуксиз стажи 3—5 йил бўлиши керак. Уларга сўнгги иш жойидаги маошининг 50 процентги миқдорида имтиёзли устама ҳақ тўланади.

Ишга келганларнинг ҳаммасига ётоқхона ва кейинчалик умумий асосларда квартира берилади.

Мурожаат учун адрес: 700011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй, кадрлар бўлими.

ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ КИНОФЕСТИВАЛИ — Тошкент-88

ШИОРИНИНГ ИЛК СЎЗИ— ТИНЧЛИК

Ўзбекистон Кинематографчилар союзи правленисининг биринчи секретари, СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати Малик Қаюмовни бўлажак Тошкент Халқаро кинофестивали ўй-ташвиши билан учратдик. Бу табиий. Зеро, тажрибали санъаткорлар, маданият арбобларининг актив ништироки, ёрдами туфайли уч қитъа кинофестивали ҳамма вақт муваффақиятли ўтиб келяпти. «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» деган муқаддас шиор билан иш кўраётган бу санъат анжуманининг аҳамияти, моҳияти катта, Шунинг учун ҳам атоқли кинорежиссёрдан даставвал Тошкент учрашувларининг ўзига хос, бетакрор қиммати ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— Аввало, бир нарсани шахсий мулоҳаза сифатида айтиб ўтмоқчиман, — деди М. Қаюмов. — Гап шундаки, бу галги учрашувни X кинофестиваль дейишяпти. Ёшни, олтмиш саккизинчи йили ўтказилган фестивалдан бошлаб ҳисобляпти. Биласизми, Тошкентда Осиё ва Африка мамлакатларининг биринчи кинофестивали эллик саккизинчи йили бўлиб ўтган. Ўша йили 20 августдан 2 сентябргача давом этган халқаро санъат анжуманида 22 хорижий мамлакат, шунингдек, Ўрта Осиё, Закавказье республикалари ва Қозоғистон иштирок этиб уларнинг киностудияларида суратга олинган 60 га яқин фильм намойиш этилганди. Кейинги фестиваль чет мамлакатда ўтган. Баъзи сабабларга кўра, учинчи учрашув бўлмаган эди.

Демак, ўша аввалги икки кинофестивали ўтказишда ҳам Тошкент ташкилотчилик қилган ва иштирок этган. Шунинг учун шахсан мен эндиликда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг йирик халқаро киноанжуманига айланиб қолган бу фестивали ўн иккинчи марта ўтказиляпти, дейман.

Тошкент халқаро кинофестивалининг хизматлари жуда катта. У, биринчидан, дунёнинг турли бурчакларида, турли мамлакатларда, турли қитъаларда ижод қилаётган ва яшаётган одамларни бир-бирига яқинлаштирмоқда. Ҳозир уч қитъа халқлари ўртасидаги дўстлик мустаҳкамланиб бораётган экан, бунда Тошкент учрашувларининг ҳиссаси ҳам бор. Ҳар икки йилда бўлиб турган анъанавий учрашувлар чет элликларнинг мамлакатимизга бўлган қизиқишларини ҳам тобора оширяпти. Иккинчидан, кинофестиваль жаҳон, хусусан, уч қитъа кинематографчилари ўртасидаги ўзаро ижодий алоқа ва ҳамкорликни ривожлантириб юборди. Фестиваль жуда кўп ижодий алоқа ва ҳамкорликларга асос солди, десам янглишмаган бўламан. Тошкент учрашувлари, давралари сабаб бўлиб, турли мамлакатларда фаолият кўрсатаётган киностудиялар эндиликда ҳамнафасликда бадиий ва ҳужжатли картиналар яратишяпти. Шуниси қувончлики, бундай баҳамжиҳат суратга олинган асарлар уч қитъа экранида муваффақиятли кўрсатилаётгир. Бу фестивалнинг «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» деган улуғвор шиори бор. Бундай даъват бошқа бирон кинофестивалда йўқ. Эндиликда тинчлик ғояси билан суғорилган, унинг тантанасига сўнмас ишонч бағишловчи, урушни қораловчи фильмлар кўпайган экан, бунда кинофестивалимизнинг алоҳида ҳиссаси бор. Қолаверса, тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатлар ва халқларнинг изланишларини, курашларини, ўз озодлиги учун жанг қилаётган ватанпарварларнинг қаҳрамонлиги-ю, жасоратини Тошкент экрани дадиллик билан акс эттирмоқда. Ана шу фильмларнинг ижодкорлари билан суҳбатлашсангиз, асаримнинг яратилишига Ўзбекистонда ўтаётган кинофестиваль туртки бўлди, унинг даъвати билан шундай фильм экранлаштирдик, дейишади. Умуман, Тошкент кинофестивалининг жаҳон кинематографияси ва ижодкор инсоният ҳаётидаги роли беқиёсдир. Буни ҳар қандай шароитда баралла, фахр билан айтишга ҳақлимиз.

— Кинофестивалнинг кўпгина иштирокчилари — сизнинг яқин дўстларингиз. Учрашувларнинг самарали ўтишида улар ҳамма вақт муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Шу ўринда кимларни тилга олишни истайсиз?

— Бу ерга ташриф буюрадиган ҳамкасбларимнинг кўпи билан бошқа Халқаро кинофестивалларда, санъат учрашувларида ҳам кўришиб тураман. Уларнинг кўпи Тошкент кинофестивалининг жонкуярлари, тарғиботчиларидир. Фестивалимизнинг шиорига биринчилардан бўлиб жавоб берганлар ҳам шулар.

Ҳиндистонлик Мринал Сен, Раму Кариат, ота-бола Капурлар, Сатьяджит Рей, япониялик Сацуо Ямамото, Йодзи Ямада, Тосиро Мифунэ, қубалик Пастор Вега Торрес, Энрике Пинеда Барнет, сенегаллик Сембен Усмон, Полен Виэйра, Тереза Дюп, туркиялик Фотима Гирик, Тюркан Шорай, Мустафо Гюрсел, мексикалик Серхио Ольхович, Изеля Вега, марокашлик Сухайл Бен Барка, монголиялик Бадрахин Сомху, сурия лик Қайс Ҳайдар Муҳаммад ал-Зубайдий каби кинорежиссёр ва артистлар фестивалимизда ўз фильмларини кўрсатиш билан бирга ижодий давраларда фикр-мулоҳазалари, тажрибаларини ҳам ўртоқлашмоқдалар. Айни вақтда кино санъатининг долзарб муаммолари, вазифалари, хусусан, уч қитъа учрашуви шиорига жавоб бериш масаласида ҳамма вақт конкрет таклифлар айтадилар.

Дўстларимиз ўз мамлакатларида совет кинематографиясини, унинг анъаналари ва тажрибаларини ҳам кенг тарғиб қилмоқдалар. Кинофестиваль экранида намойиш қилинган ва яхши фильм сифатида эътироф этилган совет картиналарини улар дарров ўзларида ҳам кўрсатишга ошиқадилар.

— Шу вақтга қадар кинофестиваль экранида жуда кўп фильмлар намойиш қилинди. Шахсан сизнинг ёдингизда қайси кинолента лар қолган, қандай асарларни алоҳида таъкидлайсиз?

— Биласизми, ҳозир дунё экранларида кезиб юрган, кинотеатрларда катта қизиқиш билан томоша қилинаётган «Зита ва Гита», «Рам ва Шам», «Амрапали», «Бобби», «Менинг исмим — масхарабоз», (Ҳиндистон), «Почтадан келган пул», «Эмитай» (Сенегал), «Аёл», «Қуёш тутилган йил» (Монголия), «Садоқат алангаси» (Япония), «Севги баҳоси» (Миср), «Мелья» (Куба), «Икки она» (Вьетнам) бадиий фильмлари илк марта Тошкент кинофестивали экранида кўрсатилган. Худди шу ерда назарга тушган бу асарлар кейинчалик турли Халқаро кинофестивалларда, киноконкурсларда намойиш этилиб, мукофотлар билан тақдирланди. Тошкент экранининг оқ йўли шарофати бу, албатта.

Ўтган галги кинофестивалда кўрсатилган баъзи фильмларни алоҳида таъкидлайман. Булар тунислик кинематографчиларнинг «Чақириқ», сурияликларнинг «Булутли кундаги қуёш», перуликларнинг «Қонли байрам», мозамбикликларнинг «Қоплонлар даври» картиналаридир. Биринчи асар Тунис халқининг эллигинчи йиллардаги миллий-озодлик кураши ҳақида ҳикоя қилса, иккинчи кинолента француз колонизаторлари ҳукмронлигига қаршилик кўрсатиш авж олган даврни тасвирлайди. Учинчи фильм ҳиндуларнинг ўз ҳуқуқлари учун олиб борган курашини биринчи марта кенг кўламда акс эттириб берди. Кейинги фильмда ўз озодлиги учун курашган ватанпарварнинг тақдири конкрет ҳужжатлар воситасида кўрсатилди. Бу фильмлар шунинг учун қимматлики, улар кинофестивалнинг шиорига тўла жавоб беради.

— Ҳар кинофестивалда ўзига хос янгилик бўлади. Бу галги учрашувда ҳам янгилик борми?

— Бор. Илк марта фильмлар конкурси ўтказилади. Фестивалнинг бешта асосий соврини — бош совврин, кино санъатида миллий анъаналарни сақлаш ва ривожлантириш учун, эркаклар ва аёллар ролининг энг яхши ижроси учун, энг яхши илк роллар учун ҳам совринлар таъсис этилди. Совринларни уч қитъа кинематографиясининг атоқли арбобларидан ташкил этган нуфузли халқаро жюри топширади. Яна бир янгилик, рол ижро этилмайдиган фильмларнинг информацион кўриги ва кейинги йиллардаги энг яхши совет фильмларининг ретроспектив кўриги ҳам ўтказилади.

Фестиваль тобора яқинлашяпти. Республикамизда Кинофестиваль ташкилот комитети раҳбарлигида қизғин тайёргарлик ишлари олиб бориляпти. Союзимиз учрашувда актив иштирок этиши керак. Киностудияларимиз уч қитъа экранида намойиш этадиган фильмларини аниқлашяпти. Қисқаси, бу галги кинофестивални ҳам юксак савияда ўтказишга муносиб ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Ю. БЕРДИЕВ.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

• *Шахмат бурчаги*

ФУРСАТ ҒАНИМАТ

Халқаро арбитр М. МУҲИДДИНОВ бошқаради

Илк гроссмейстеримиз Г. Аъзамов хотирасига бағишланган II Бутуниттифоқ турнири мухлису мутахассислар учун ибратлидир.

Маълумки, шахматда вақт юришлар сони билан белгиланади. Вақт бирлиги эса темп ёки суръат деб аталади. Демак, шахмат курашида дам — фурсат ғанимат. Бу нарса қуйидаги партияда яққол аксини топган.

Сицилианча ҳимоя
Е. ВЛАДИМИРОВ — В. ЕПИШИН

Тошкент, 1987 йил, декабрь.

1. e4 c5 2. Kf3 d6 3. d4 cd 4. K:d4 Kf6 5. Kc3 e6 6. g4.

Машҳур эстон гроссмейстери Пауль Керес амалиётга киритган юриш. Кураш мураккаб тус олади.

6...h6 7. h4 Ce 7 8. g5 hg 9. C:g5. Бошқача схемалар ҳам кўп.

9...Kc 6 10. Фd2 a6 11. O-O-O Cd7 12. f4 K:d4 13. Ф:d4 Cc6 14. Лg1 Фa5 15. Ch3.

Оқлар рақиб шоҳини иккала томонга ҳам рокировка қилдирмаяпти: 15... O-O? Бўлса-ку, 16. C:f6 C:f6 17. Ф:f6. Борди-ю 15... O-O-O бўлсачи? Ў ҳолда 16. Kd5! ва ҳамма вариантларда ҳам қоралар ўзини ўнглаб олиши маҳол. Ўзингиз кўриб чиқа қолинг.

15... Фc5 16. Фd3 b5.

16...O-O-O га тағин ўша 17. Kd5! бўларди. Шунинг учун қоралар ҳам фарзин флангида муқобил фаолликка интилмоқда.

17. f5 b4 18. Ce3 Фa5 19. Фc4 Cb7.

Энди оқларнинг кўпгина доналари ҳужумда қолди. Ҳозир от чекинса, 20... d5! 21. cd C:d5 дан кейин ташаббус бутунлай қораларга ўтади. Бўлмаса нима қилсин? Оқлар кўзлаган мақсад ҳозир намоён бўлади.

20. fe!? bc 21. Л:g7. Оқларнинг сипоҳ қурбони билан боғлиқ бу комбинацияси шунчалик мураккабки, унинг оқибатларини олдиндан аниқ ҳисоблаб чиқиш деярли мумкин эмас. Бу ерда олмаоталик халқаро арбитр ўз интуициясига таяниб иш кўрганлиги муқаррар.

21... d5. Оқ фарзиннинг кўзини тўсмаса бўлмайди. 21... fe? дарров ютқазади: 22. Л:e7+! Кр:e7 23. Ф:e6+ вассалом.

22. Фb3 cb+ 23. Крb1 Фb5 24. ef+ Крf+ 25. Лdg1 Ф:b3.



Энди оқларнинг ҳужуми тугаган кўринади: 26. ab? Cc8! дан кейин қоралар бир сипоҳ ортиб қолади. Бироқ оқларнинг навбатдаги кучли юриши кишини ҳайратга солади.

26. Ch6!! Қораларнинг фарзину бир оти ортиқ. Бунинг устига филлари ҳам «теп-текин». Бироқ қоралар ҳеч нарсани уришга ёки чекинишга улгура олмайди. Чунончи 26... Л:h6 бўлса, 27. Лg8+ Кр:f7 (27... K:g8 бўлса, 28. fgФX) 28. Л1f7X. Ёки 26... Ф:h3 бўлса, 27. Лh7X.

Агар оқлар текстдаги юришнинг ўрнига қора фарзинни урганда, ниятига етиш ўрнига бой беришини юқорида кўрсатган эдик.

26... Kg4. Энди 27. Л1:g4? ярамайди, чунки 27... Л:h6 28. Лg8+Кр:f7 29. Л4g7+ Крf6. Бу хонада от турганда қора шоҳ мот бўлган эди.

27. Лh7+! K:h6 28. Л:h8+ Кр:f7 29. Лh7+!

Қоралар таслим бўлди. Нега? Бунисни ўзингизга ҳавола. Мустақил таҳлил — маҳорат мактаби.

«КОНКУРС-88». ЕТТИНЧИ ТОПШИРИҚ



ЭТЮД. Оқлар бошлаб дуранг қилади.

Эслатма. Тўғри ва аниқ жавоблар учун икки юришли масалаларга 2 тадан, уч юришли масалаларга 3 тадан, кўп (тўрт ва ундан ортиқ) юришли масалалар ва этюдларга (ютуқ ёки дурангли) 4 тадан очко берилади.

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

М. Қорнёқубов номли Ўзбек давлат концертфилармония бирлашмаси

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

7—8 МАРТ СОАТ 19.30 да

«ШОДЛИК» ДАВЛАТ АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТЛАРИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артисти

ҚИЗЛАРХОН ДЎСТМУҲАМЕДОВА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

НАРЗИДДИН ШЕРМАТОВ

СОЛИСТЛАР: Нуриддин ҲАЙДАРОВ, Дилором ҚАЮМОВА, Бахтиёр ХОЛХЎЖАЕВ.

Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

Ансамблинг бадиий раҳбари — Қорақалпоғистон АССР халқ артисти, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Гулшод ОТАБОЕВА.

Ансамблинг бош балетмейстери — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Қодир МУМИНОВ.

Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассасида соат 14.00 дан сотилмоқда.

ОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

27 февралдан бошлаб 6 мартгача

Тошкент шаҳар овчилик жамиятининг «ШАРҚИЙ АРНАСОЙ» ва Фарғона область овчилик жамиятининг «САРАҚАМИШ» хўжаликларида

ЁВВОЙИ ЎРДАКЛАРНИ ЧЕКЛАНГАН ҲОЛДА БАҲОРГИ ОВ ҚИЛИШГА РУХСАТ ЭТИЛАДИ

«Узбекохотриболовсоюз».

Тошкент қишлоқ хўжалиги институти ректорати, партия ва жамоат ташкилотлари агрономия факультети декани Ўринбосари, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати, пахтачилик кафедрасининг доценти

Нормат ЖАВЛИЁВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг чет элларга эшиттиришлар коллективи «Ватандош» радиостанциясининг катта редактори М. Йўлдошевага отаси

Обид ЙЎЛДОШЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

• *Тингланг, томоша қилинг*

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — Ҳужжатли фильм. 9.30 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 10.00 — СССРда Ҳиндистон фестивали. 10.25 — Қишки Олимпиада ўйинлари. 11.35 — Ҳайвонот оламида. 12.35 — Социалистик мамлакатларида. 13.05 — Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 13.40 — Камалак. 14.00 — КПССнинг Бутуниттифоқ XIX конференцияси ол. дидан. 15.30 — Дунё воқеалари. 15.50 — Халқ чолғу садолари. 16.20 — Шеърият лаҳзалари. 16.25 — 9-студия. 17.25 — «Ўроқ тегмаган ёввойи гуллар». Бадиий фильм. 19.00 — Қишки Олимпиада ўйинлари. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Шанба оқшомида. 23.30 — Телефильм. 23.55 — Янгиликлар.

МТ-II. 8.30 — Гимнастика. 8.45 — Перспектива. Телевизион кўрсатув. 9.25 — В. Шекспир. «Гамлет». 10.15 — Гуллаб, яшна, замин. 11.15 — Здоровье. 12.00 — Дин ва сиёсат. 12.30 — Уй академияси. 13.00 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 14.00 — Қишки Олимпиада ўйинлари. 14.30 — Автоҳаваскорлар, Сизлар учун, 15.00 — «Муҳаббат ҳисси». Бадиий фильм. 16.10 Қишки Олимпиада ўйинлари. 17.55 — КВН—88. 20.00 — Хайрли тун, кичкинтойлар 20.15 — Янгра, гармон. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Опагинам». Бадиий фильм. 23.50 — Ҳужжатли фильмлар. 00.35 — Янгиликлар.

27 ФЕВРАЛЬ, ШАНБА

УзТВ-I. 7.00 — «Ассалому алайкум. 8.30 — Ҳужжатли фильмлар. 9.30 — Мактаб ислоҳоти — ҳаётга! 10.20 — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IX пленуми материаллари асосида. 10.50 — Китоб дўстлари. 11.40 — Оналар мактаби. 12.10 — Қайта қуриш йўлидан. 12.40 — Кишиларга қувонч улашиб... 13.10 — Инсон ва замин. 14.10 — Чимёнда фристайл. 14.40 — «Сепсиз қиз». Спектакль. 17.55 — Ералаш. 18.10 — Фан уфқлари. 18.45 — Телефильм. 19.00 — Оқ бўрон. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Хат ва ҳаёт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Дам олиш концерти. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Эртага премьера. 23.20 — Тунги информацион — дам олиш программаси.

УзТВ-II. Душанба. 17.20 — Болалар учун концерт. 17.45 — Жаҳон бир ҳафта ичида. 18.00 — Театр учрашувлари. 19.00 — Новости. 19.20 — Ҳиндистонда СССР фестивали. 20.00 — Ахбор. 20.20 — «Минарҳарлик Жўра овчи». Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Юмор кечаси.

РАДИО

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбек халқ қўшиқлари. 9.30 — Танишинг: янги овозлар. 10.15 — Гулшан. 11.30 — Саломат бўлинг! 12.10 — Строитель Узбекистана. 12.30 — З. Суюнова ва Э. Рўзиматов куйлайди. 12.50 — Шеърий лаҳзалар. 13.00 — Чорвадор. 13.30 — Хатларингизни ўқиб... 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.30 — Жонажон табиат. 16.00 — Ветеранлар сўзлайдилар ва ёзадилар. 17.00 — Мусиқа ва саҳна. 18.15 — Инсон ва биосфера. 18.30 — Ижодиёт оламида. 19.20 — Ешлик. 19.50 — Халқаро кундалик. 21.10 — Шанба оқшомида. 22.45 — Қишки Олимпиада ўйинлари. 23.00 — Оқшом тўлқинларида.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

(«Советский Узбекистан»)

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Издается на узбекском языке



Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.